Ўзбекистон Давлат китоб палатаси
2 6 АПР 1993

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 10 сўм

1993 йил 16 апрель, жума

№ 67-68 (21.419).

ТУРКМАНИСТОНГА САФАР

14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Туркманистоннинг пойтахти Ашгабад шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сафар арафасида журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, тили, дилигина эмас, балки тарихи, тақдири ҳам муштарак бўлган ён ва жон қўшнимиз Туркманистон истиқлолга эришгач, ўз бошқаларига ўзи соҳиб бўлганини таъкидлади. Ўзбек ва туркман халқларининг азалий ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш ҳар икки мамлакат учун ҳам манфаатли бўлишини қайд этди.

— Ўзбекистон Шимол, Жануб, Шарқ ва Ғарбга чиқадиган дарвозаларга эга бўлмоқда, — деди Ислом Каримов, — ҳеч бир мамлакат алоқа йўлларини, автомобиль, ҳаво ва темир йўл тармоғини ривожлантирмай туриб тараққиётга эришолмаган. Марказий Осиё давлатларининг, жумладан, Ўзбекистон билан Туркманистоннинг бу соҳалардаги баҳамжиҳат ҳаракати келажакда қудратли ва буюк давлатга айланишимиз ҳамда қадим Туркистон заминида яшаётган барча халқларнинг фаровон турмуши учун барқарор замин яратади.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов ва Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Туркманистон пойтахтига етиб келди.

Ашгабад аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Журналистлар билан аэропортда бўлиб ўтган қисқа мулоқот чоғида ҳар икки давлат раҳбари мамлакатларимиз халқларининг боболаримиздан бошланган ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш халқларимизни фаровон ҳаётга олиб чиқувчи истиқболли йўл эканини таъкидладилар.

Кутиб олиш маросими ниҳоялагач, Ўзбекистон ҳукумат делегацияси аъзолари Ашгабад шаҳри жанубидаги янги барпо этилаётган меҳмонхона ва элчихоналар комплекси ҳамда турар жой даҳалари билан танишишди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзовнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Ҳар икки мамлакат Президентлари тушдан кейин Туркманистон давлат дорилфунуни талабалари билан учрашдилар. Президентлар азалдан қондош бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарликни юксалтиришда, давлатларимиз қудратини оширишда мамлакатларимиз ёшлари олдида катта вазифалар турганини қайд этдилар.

Оқшом чоғи Президент саройида ҳар икки мамлакат раҳбарлари расмий делегациялар ўртасида бўлиб ўтган ўзаро мулоқотлар ва музокараларга якун ясар эканлар, уларнинг самарали бўлганини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни кечқурун Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов ҳамроҳлигида Чоржўй шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

Туркманистонга расмий сафар қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси 14 апрель куни Туркманистон Республикаси раҳбарияти билан ўзаро мулоқот ва музокаралар олиб борди. Бу учрашувларнинг якунида Ўзбекистон — Туркманистон қўшма баёноти имзоланди.

Кун охирида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ҳамроҳлигида Чоржўй шаҳрига келди.

Ўзбекистон ҳукумат делегацияси сафарининг иккинчи куни Чоржўй шаҳридаги «Бўян» агросаноат комплекси билан танишишдан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти шу куни Чоржўй кимё корхонасида, тумандаги Халтурин номидаги жамоа хўжалигида ҳам бўлиб, меҳнаткашларнинг иш шароитлари билан танишди, ишчилар, деҳқонлар билан суҳбатлашди.

15 апрель куни тушдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Чоржўйдан Тошкентга жўнаб кетди.

Чоржўй аэропортида олий мартабали меҳмонни Туркманистон Республикаси Президенти С. Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси шу куни Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков кутиб олдилар.

(ЎзА).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

..Ўзбекистон — ватаним менинг..



Умарали ҚЎШВОҚОВ

МУАЛЛИМЛАР СУЛОЛАСИ САРДОРИ

Халил бобо бахтли инсон. Исботи — набираси қўлидан гул олаётгани. Шу кунларга етгани. Қолаверса, саксондан сакраганн ҳам...

Ахир у урушни кўрган. Жанггоҳ-жаҳаннамдан омон чиққан одам. Ўша ўтмиши — фронт ичкариси ва ортида бўлган дамларнни кўп ҳам эслайвермайди. Мабодо, эсига тушгудек бўлса, юзи тундлашади. Бир дам узоқ-узоқларга хаёлан сафар қилади-да, хўрсиниб юзига фотиҳа тортади. Бу одати урушга бирга кетиб-бирга қайтмаган дўстлари, ҳамюртлари, барча марҳум қуролдошлари руҳига хотиржамлик тилаганидан далолат.

Эртани кўпроқ ўйлайди. Қайғургани — болалари, набиралари. Шуларга омонлик тилаб ўтиради. Чунки, эгам иноят этган олий инъом — бола учун яшайди-да, одам дейди. Шу илинж — фарзандлар бахтини яратмоқ учун не-не азобларга дуч келмади, дейсиз. Талай хайрли тадбирларни уддалаб қўйди. Шу мақсад йўлида қатор-қатор ташвишларни ҳам танг қолдирди.

Мана бугун у нафақада. Жажжи набираларини яхши кўради. Болаларсиз ҳаёт — ҳаёт эмас, — дейди. Ўзи-ку, 45 йил муаллимлик қилган. Меҳрибонлиги шогирдлари — собиқ ўқувчиларининг сира тилидан тушмайди. Мураббийга издош бўлган, яъни касбини мерос қилган ўқувчилари ҳам анча-мунча. Ўзининг икки фарзанди муаллимликни танлаган. Ўғли Ҳамдамали ва қизи Гулнора ота изидан боришаётир.

Умр йўлдоши Жамолхон ая-ку, Халил ота билан бирга ишлаб келди. Энди буёғини қаранг: келин Меҳринисо ҳам куёвга ҳамкасб чиқиб қолди.

Дарвоқе, барчаси бир маскан — Фарғона вилояти Риштон туманидаги 43-ўрта мактабда дарс беришган, беришаётир. Мактабда, ҳамкасблари ўртасида ҳар бири ўз ўрнига, обрў-эътиборга эга. Эли, элдошлари орасида ҳам сийлови бор. Ёш авлод тарбиясидек мушкул юмушни, шарафли касбни танлаган ва машаққатли меҳнат ортидан ширин нон топаётган ушбу инсонлар кам бўлишаётганн йўқ. «Матаевлар оиласи — педагоглар сулоласи» деган яхши гап шуларга тегишли.

Халил ота ширин тилли, беғубор қалбли болажонлар — ўқувчилари орасида ўтган умридан ҳамиша қалби шод.

Ш. РЎЗИЕВ,

АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛСА...

● Аввал хабар қилинганидек, 13 апрель куни Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Кун тартибига қўйилган масалага ўтишдан олдин икки оғиз вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида гапирмоқчиман, деди Президент нутқи аввалида. Яширишнинг ҳожати йўқ: сўнгги вақтларда Президент девонига, Вазирлар Маҳкамасига, республика ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда газета таҳририятларига Сурхондарё вилоятидан кўплаб шикоят хатлари, ташвишли хабарлар кела бошлади...

Вилоятга нуфузли комиссия юборишга мажбур бўлдик. Аҳвол ҳар томонлама ўрганилганида, вазият биз ўйлагандан ҳам жиддий ва мураккаброқ бўлиб чиқди. Далиллар ўжар бўлади. Сурхондарёда ижтимоий адолат меъёрлари қўпол равишда бузилаётгани, жиноятчилик кўзга олаётгани, ижтимоий-сиёсий вазият тобора ёмонлашаётгани кишини ташвишлантиради. Яқинда Денов шаҳрида рўй берган кўнгилсиз ҳодисалар ҳаммамизни ҳушёр тортиришн керак. Мен бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталаман.

Тўғри, турли муаммолар фақат Сурхондарёда эмас, бошқа вилоятларда ҳам бор. Гап шундаки, уларни энди биз ўзимиз ҳал этишимиз керак. Мустақил давлатнинг мустақил фуқаролари сифатида ўзимиз яшаб турган қишлоқ, туман, вилоят, пировардида бутун Ўзбекистонимиз равнақи учун ҳар биримиз жон куйдиришга, бор куч-қувватимиз, ақл-заковатимизни ишга солишга ўрганайлик. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, Тошкентдан биров Сурхондарёга келиб тартиб ўрнатиб беради, дейиш хом хаёлдир. Қарс икки қўлдан чиқади. Бугун ушбу мажлислар залига асосан Сурхондарё фарзандлари тўпланган. Сизлар халқ ноиблари, давлат арбобларисиз. Тилёғламалик қиляпти, деб, ўйламангиз, ростдан ҳам шундай, давлат арбобларисиз. Шу юрт муаммоларини ўрганиш, бартараф этиш, вилоятнинг истиқболини белгилаш учун халқ сизга ваколат берган. Республика раҳбарияти бирон-бир қарор қабул қилса, чора-тадбир кўрадиган бўлса, аввало, сизларнинг таклифларингиз, истакларингиз, тавсияларингизни инобатга олади. Шунинг учун рўй берган воқеаларга фаол муносабат билдиришингизни сўрайман. Келинглар, бирга ўйлашайлик, фикрлашайлик.

Жамият ҳаёти шундай мураккаб ва нозик қурилганки, унинг бирон-бир соҳасида андак ўпирилиш содир бўлса, албатта, бу беиз кетмайди. Сурхондарёда ижтимоий адолат меъёрларининг бузилиши, ошна-оғайнигарчилик, уруғчилик иллатларининг илдиз отиши, савдо, ҳуқуқ-тартибот органларидаги инсофсизлик элнинг кайфиятига, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига салбий таъсир этмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси — пахтачилик ривожланиш ўрнига йилдан-йилга орқага кетмоқда, деди Президент нутқини давом эттириб, мисолларга мурожаат қилайлик: 1990 йил вилоятда пахтанинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 29,5 центнерга тушиб қолди. Олтинсой, Шўрчи туманларида ҳосилдорлик аввалги йилларга нисбатан 8—11,5 центнер камайган.

1992 йилни, ҳеч муболағасиз, ғаллакорлар йили бўлди, дейиш мумкин. Об-ҳаво шароити қулай келганига қарамасдан, гектар бошига етиштирилган ғалла ҳосили 1990 йилга нисбатан 1,5 центнер кам бўлди. Маккажўхори ҳосилдорлиги 7,2 центнер, шоли 4,5 центнер пасайди.

Чорвачилик қолоқ соҳага айланиб бормоқда. 1990 йил вилоят хўжаликлари 26596 тонна гўшт етказиб берган бўлса, 1992 йил бу кўрсаткич 18220 тоннага тушиб қолди. Сариосиё, Жарқўрғон, Ангор туманларида гўшт етиштиришнинг икки-уч баробар камайганини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятда сут соғиб олиш ҳам кескин камаймоқда. 1990 йил ҳар бош сигирдан 2400 литрдан сут олинган эди, орадан икки йил ўтар-ўтмас бу кўрсаткич 2100 литрга тушиб қолди. Бойсун, Қизириқ, Олтинсой, Жарқўрғон туманларида аҳвол, айниқса, ачинарли.

Давлатникими, жамоанникими, хусусийми, хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, мулк муқаддасдир. Афсуски, вилоятнинг бир қанча идоралари, хусусан, деҳқончилик-саноат уюшмаси (раиси А. Тўрақулов) ходимлари мулкка эътиборни унутган кўринадилар.

1991 йил Қумқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги деҳқонлари 16 гектар ерда, — яна плёнка остида — 371 тонна эртанги полиз маҳсулотлари етиштиришди. Мақтовга лойиқ иш! Лекин халқимиз дастурхонини безаши мумкин бўлган минглаб сўмлик ана шу тансиқ полиз маҳсулотлари май-июнь ойларида республикадан ташқарига чиқариб юборилди. Аянчли томони шундаки, давлат хўжалиги кассасига бир тийин ҳам кирим қилинмади. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, бу мўмай пул кимнинг, аниқроғи, кимларнинг чўнтагига тушди экан! Республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги назорат-тафтиш бошқармасининг ушбу қаллоблик ҳақида ўз вақтида берган ахбороти нега вилоят прокуратураси томонидан жиддий ўрганилмади?!

Вилоятда пахта толасини қинғир йўллар билан сотиш расм бўлиб қолган. Чунончи, Қизириқ туманидаги «Истара» давлат хўжалиги 1991 йилда 424 тонна пахта толасини ҳеч қандай ҳужжатсиз «Ўрта Осиё» кичик корхонасига ҳар тоннасини 9800 сўмдан, Жиззахдаги «Дарён» фирмасига 17800 сўмдан, Учқизилдаги бир кичик корхонага эса 9000 сўмдан сотган. Озиқ-овқат саноати учун яроқли бўлган 150 тонна чигит, республикада ёғ танқис бўлиб турган бир паллада, чорва молларига ем қилиб бериш баҳонасида ҳисобдан чиқарилган. Пахта чиқиндиси 1991 йилдаги тегишли буйруққа асосан камида 8 сўмдан сотилиши керак эди. «Истара»лик азаматлар эса 300 тонна чигитнинг ҳар килограммини 12 тийиндан ҳужжатлаштириб, катта миқдордаги чигит камомадларини ёпиб юборишган. Товаршунос А. Тўраев ва Ж. Раҳматуллаевнинг катта миқдорда камомадга йўл қўйгани ҳақидаги тафтиш материаллари вилоят прокуратурасида сансалорликка учраб, ҳамон эътиборсиз ётибди.

«Ҳазорбоғ» совхозига мурожаат қилайлик. Ушбу давлат хўжалигида 710 тонна пахта толаси ғайриқонуний йўллар билан сотилган. Натижада республика бюджетига 82,5 миллион сўм зарар етказилди. 1992 йилда мазкур хўжаликнинг 515 тонна дон маҳсулоти унга мутлақо алоқаси бўлмаган вино ишлаб чиқарувчи «Орзу» кичик корхонасига 51 миллион сўмга пуллаб юборилди. Бироқ, шу кунга қадар хўжалик хазинасига бир чақа ҳам пул тушгани йўқ. Ҳақиқий нарх-наво билан баҳолаганда хўжалик буғдойни кичик корхонага бир неча баробар арзон сотган.

Узун туманидаги «Хурсанд» жамоа хўжалигида икки миллион сўмлик халқ мулки талон-тарож қилинди. Музработ туманидаги «Бешқўтон» давлат хўжалигида 250 гектар ердаги шоли ҳисоботдан яшириб қолинган. Юзлаб тонна шоли турли хил савдо ташкилотларига арзон-гаровга улашилган. Гагарин матлубот жамиятига сотилган 100 тонна шоли ҳисобидан бир миллион сўм воситачилар чўнтагига тушган. Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» давлат хўжалигига қарашли «Сурхон» пахта тозалаш корхонасида 386 тонна чигит хўжалик фермасига озуқа сифатида тарқатиб юборилган. Бойсун туманидаги «Мачай», «Қумқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжаликларида юз берган талон-тарожчилик, катта миқдорда давлат маблағини ўзлаштиришни прокуратура негадир уч йилдан буён эътиборсиз қолдириб келмоқда. Хўш, нега?

Вилоятда халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари — саноат, транспорт, қурилиш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам сурункали қолоқлик, ғайриқонуний ишлар давом этмоқда. Бу ҳол, айниқса, бюджет маблағларидан фойдаланишда яққол кўзга ташланяпти.

Қумқўрғон тумани ҳокимлиги табиий офатдан зарар кўрган иморатларни тиклашга ажратилган маблағдан 800 минг сўмини мутлақо бошқа нарсага сарфлаган. Денов тумани ҳокимлиги 910 минг сўм маблағнинг қонунсиз сарфланишига «бош-қош» бўлган. Тежаб-тергаш ўрнига бюджет маблағларини талон-тарож этишга йўл очиб берувчи қарорлар қабул қилиш, афсуски, шаҳар ва туман ҳокимлари тажрибасида тез-тез учрамоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

ХДП ҳаётидан

МАҚСАД—ПАРТИЯВИЙ ИШНИ ЯХШИЛАШ

● Ўзбекистонда ХДП Марказий Кенгаши Андижон вилоятида ташкил этилган семинар-кенгаш ана шундай руҳда ўтди. Унда ХДП шаҳар, район кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари котиблари, ҳокимларнинг муовинлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов кириш сўзи билан очиб, «Халқ демократик партиясининг ҳозирги шароитдаги энг долзарб сиёсий вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маърузачи партиянинг шаклланиш даври ўтгани, энди партиянинг таянчи бўлган бошланғич ташкилотларнинг мавқеи ва жанговарлигини ошириш, халқ орасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, Президентимизнинг сиёсатини кенг тарғиб қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва унга сиёсий баҳо беришда партиянинг роли сезилиб туриши, партия кенгашлари ва ташкилотларининг котиблари ҳокимлар билан биргаликда ишлаши, унинг ўз сўзи бўлиши лозимлиги ҳақида ибратли гаплар айтди.

Кенгашда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг қарорига асосан барча бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мавзусида суҳбатлар ўтказишни давом эттириш ҳақида келишиб олинди.

Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокими Қ. Обидов иштирок этди.

* * *

Семинар қатнашчилари Андижон шаҳридаги йирик бошланғич партия ташкилотларига бордилар. Марказий Кенгашнинг биринчи котиби М. Расулов Андижон ёғ комбинатида бўлиб, партия ташкилотининг иш фаолияти билан танишди.

Марказий Кенгаш котиблари М. Қирғизбоев ва А. Саидов трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Андижон шаҳар кўптармоқли болалар шифохонасини бориб кўрдилар.

Семинар-кенгаш ишчанлик вазиятида, юқори савияда ўтиб, қизғин баҳслар бўлди, таклиф-мулоҳазалар айтилди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА СЕМИНАР-ЙИҒИЛИШ

Кеча Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгашида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар, район партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, вилоят ташкилот ва муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда вилоят кенгашининг биринчи котиби Б. Рўзиев «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳозирги шароитдаги энг долзарб сиёсий вазифалари» мавзусида маъруза қилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими А. Айдарқулов нутқ сўзлади.

Семинар якунида бошланғич партия ташкилотларига ягона сиёсий кун тартибида «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мавзусида очиқ партия йиғилишлари ўтказиш юзасидан тавсияномалар берилди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛСА...

(Давоми. Бош биринчи бетда).

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги 1089 автомашинадан фақат 800 таси балансда тургани аниқланди. Тиббий хизмат учун автомашина етишмай турган бир шароитда 34 автомашина маълум шахсларга арзон-гаров сотиб юборилган. Улар орасида ҳатто 1988-89 йилларда чиққан янги автомашиналар ҳам бор. Яна, техника йўқ, бензин йўқ, дейишади. Инсон ҳаётидан ҳам азизроқ нарса борми дунёда! Ўз вақтида тиббий ёрдам етиб бормагани учунгина оламдан кўз юмган норасидалар, оналар,, қарияларнинг қарғиши ўрмайдими бу ноинсофларни! Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли муассасаларда катта миқдордаги камомад ва ўғриликлар одат тусига кирган. Шикоят ва аризаларнинг кўпчилиги тиббиёт ходимларининг ўта инсофсизлиги, дори-дармон савдосидаги қинғирликлар ҳақида.

Вилоят турар-жой ва коммунал хўжалиги бошқармасида тафтиш ва назорат мутлақо унутилган. молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотлар тўла-тўкис кўзбўямачиликдан иборат. Мазкур соҳа тармоқларида 1992 йил 1 январдан сўнг жиҳозлар янги нарх бўйича рўйхатга олинмаган. Ўша йили бошқарманинг турар-жой тизимида аҳолига кўрсатилган хизмат ҳақининг икки миллион сўми олинмагани аниқланди. 33 та махсус автомашинага зарурат бўлгани ҳолда ушбу корхонга қарашли «КаМАЗ» автомашинаси асоссиз равишда «Автомобилчи» кичик корхонасига 63,5 минг сўмга сотиб юборилганини сира оқлаб бўлмайди. Корхона ҳисобидаги 200 квадрат метр ҳажмга эга бўлган қарийб ярим миллион сўмлик бино 1989 йилдан буён «Далварзин» кичик корхонасига ижарага бериб қўйилган. Турар-жой ва коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи И. Қурбонов ўта пишиқ, адашса ҳам фақат ўз фойдасига адашадиган хилидан чиқиб қолди. У киши ўтган йили бюджет маблағи ҳисобига биржадан 1 миллион 375 минг сўмга «ГАЗ-31029» автомашинаси сотиб олдилар. Ҳозир катта сарф-харажатларни кўтарадиган замон эмас. Корхона учун харид қилинган экан, майли, буни кечириш мумкин. Аммо у кишининг корхонага қарашли обдон таъмирланган «ГАЗ-24» автомашинасини бор-йўғи 20 минг сўм тўлаб, ўз ҳисобларига ўтказганларига нима дейсиз!

Вилоятда халқ таълимининг аҳволи, айниқса, ачинарлидир, деди Президент. Вилоятнинг 43 мактаби ҳароб аҳволда. Ўтган йили 483 мактабда ўқиш икки сменали бўлди. Ҳатто уч сменали мактаблар ҳам бор. Мактабларни чучук сув билан таъминлаш ҳам мутлақо қониқарсиз. 280 мактабга водопровод ўтказилмаган. 26 мактабда эса ўқувчилар ариқдан сув ичишга мажбур бўлмоқда. 380 мактабда канализация тармоғи йўқ. 436 мактабнинг ошхонаси очиқ айвонларда жойлашган. 36 мактабда на ошхона, на буфет бор. Шўрчи туманида — 24 та, Қумқўрғонда — 18 та, Музработда — 16 та, Бойсунда — 10 та болалар муассасалари ёпилди. Боғча ва яслилар ёпилиши туфайли ота-оналар иш билан узлуксиз банд бўлолмаяптилар.

Вояга етмаган ёшлар ўртасида қонунни бузиш ва жиноятчилик ташвишли тарзда ўсиб бормоқда. Бундай қонунбузарлик ва жиноий хатти-ҳаракатлар 1992 йилда 1991 йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпайди. Афсуски, мактаб муаллимларининг ўзлари ҳам аксарият ҳолларда тарбияга муҳтож. Ўтган йили тўрт ўқитувчи устидан жиноий иш қўзғатилди, 68 киши маъмурий жавобгарликка тортилди, 28 муаллим эса ҳушёрхонада тунаб чиқди. Ўқитувчилик — олижаноб, мўътабар касб. Мен меҳрибон мураббийларимиз, устозларимиз обрў-эътиборига заррача шак келтирмоқчи эмасман. Лекин, ўрни келганда, айтмасдан иложим йўқ. Ҳаммаларингга маълумки, Президентликка сайланганимдан кейин мен имзо чеккан илк фармонлар ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган эди. Уларга уй-жойларини текин хусусийлаштириб бердик, талай солиқ ва тўловлардан озод этдик. Ер участкалари, қурилиш материаллари тақсимланаётганда биринчи навбатда ўқитувчиларга берилсин, дедик. Бу орада уларнинг маошларини бир неча маротаба оширдик. «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этганимизда биз ўқитувчи ва педагогларни ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни кўзда тутганмиз. Жамиятимизнинг энг имтиёзли табақасига айланаётган муҳтарам ўқитувчиларимиздан шундан кейин ҳам, ўртоқлар, нима қиляпсизлар, қаёққа қараяпсиз ўзи, деб сўрашга ҳақимиз борми, йўқми?!

Мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, касалхона, маданий-миший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш, эскиларини таъмирлаш муаммо бўлиб турган бир шароитда вилоятда янги-янги масжидлар қуриляпти. Шу йил 1 мартга қадар 46 масжид рўйхатдан ўтган, 181 таси ўтиш арафасида. Шулардан 84 таси Денов тумани ҳисобига тўғри келади, 18 таси Сариосиё, 21 таси Шўрчи туманлари ҳудудида.

Денов туманидаги «Тожикистон» жамоа хўжалиги Пистамозор қишлоқ Кенгаши чойхона қуриш ҳақида қарор чиқарган ва шу мақсад учун ер ажратган. Чойхонага деб ажратилган жойларда ҳам аслида масжид бунёд этиляпти. Айни бир пайтда шу жамоа хўжалиги аъзоларидан уй-жой сўраб, ариза берган 285 колхозчининг 125 нафари ер ололмай сарсон бўлиб юрибди. Хўжаликдаги бешта болалар муассасаси молиявий таъминоти оғирлашгани сабабли фаолияти тўхтатган. Шу тумандаги «Ҳазорбоғ» давлат хўжалигида 10 та, Худойназаров номидаги жамоа хўжалигида эса 9 та масжид қад кўтармоқда.

Ангор тумани марказида 1,5 гектар майдонни эгаллаган жом масжиди қурилишига туман раҳбарияти бош-қош бўлиб турибди. Ширкатчилар, кичик корхона ва фирмалар, хуллас, халқ ризқини туя қилиб келаётган кўпгина нотайин идоралар ва шахслар масжид харажатларига деб 100 мингдан 500 мингга қадар пул атаганлар.

Шаккоклик деб ўйламанг-у, баъзан иккиланиб қоласан киши: улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, ҳазрати Навоий, Ҳусайн Бойқаролар, наҳотки, бизнинг ҳокимларимиздан «номусулмонроқ» бўлганлар?! Масжиду мадраса ўз йўлига. Ахир, улар салтанат хазинасидан ажратилган маблағ-у табиат ато этган куч-ғайратлари, ақлзаковатларини йўллар, работлар, кутубхона-ю, муолажахоналар, ҳаммомлар, боринг-ки, расадхоналар тиклашга сарфламаганларми! Халқнинг кундалик ҳайри корига ярайдиган юмушларга қўл уриш қачондан бери савоб бўлмай қолди? Ҳокимларимизга элнинг дуосидан кўра, шуҳрат, сохта обрў кўпроқ керак шекилли. Бундай ҳотамтойларга, аччиқ бўлса ҳам айтамиз: ҳокимлигингизни қилинг ёки салла ўраб масжидга имом бўлинг!

Жамоат тартибини сақлаш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича вилоят маъмурий органларида жуда қўпол хатолар, қонунбузарликлар мавжуд. Вилоятда содир этилган жиноятлардан 33,5 фоизи оғир жиноят экани ғоят ташвишлидир. 1991—1992 йилларда 1300 жиноят очилмай қолган. Қасддан қилинган еттита қотиллик, бешта оғир тан жароҳати, 17 та босқинчилик, учта зўрлаш ва ўнлаб ўғрилик, талончилик ҳатти-ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Жиноятчиликнинг бу қадар томир отиши жиноий унсурларнинг хатти-ҳаракати билангина боғлиқ бўлмай, маъмурий органларнинг қўпол хатолари ва айрим ҳолларда уюшган жиноятчилик билан тил топишгани оқибатидир. Тергов органлари содир этилган кўплаб оғир жиноятларни ёпиб юбормоқдалар. Айрим инсофсиз ва диёнатсиз судьяларнинг «марҳамати» туфайли жиноятчилар қонуний жазодан қутилиб қолмоқдалар ва янги-янги жиноятларга қўл урмоқдалар. Масалан, ҳарбий қисм омборидан 32 дона пулемёт ўғирлаган Актишев деган шахснинг атиги бир йилга озодликдан маҳрум этилганини қандай изоҳлаш мумкин? Ўша пулемётлар жиноятчилар қўлига тушиб қолса нима бўларди? Жиноят содир этилгани тўғрисидаги шикоятларни текширишда юзакичилик, суд-медицина экспертизасини четлаб ўтиш, жабрланувчидан аризасидан воз кечгани ҳақида тилхат олиш, жиноий ишларни кўриб чиқиш муддатига риоя қилмаслик, пайсалга солиш, имкон борича уни ёпти-ёпти қилмоққа уриниш тергов органлари фаолиятидаги ғавфли иллатга айланмоқда.

Кўп ҳолларда тергов органлари уюшган жиноятчилар билан умумий мақсад йўлида бирлашиб кетмоқдалар. Шу йил 11 февраль куни деновлик Ж. Ҳайдаров, Д. Фатҳиддинов ва Ж. Силаев қоровулни қўрқитиб, зўравонлик қилиб магазин омборхонасидан 40 килограмм сариёғ ва 20 килограмм пахта ёғини куппа-кундузи ўмариб кетишибди. Магазин мудири Э. Худойқулов босқинчиларни инсофга чақирса, уни роса калтаклашибди. Денов шаҳар ички ишлар бўлими терговчиси Д. Азизов очган жиноий иш юзасидан икки кунгина тергов олиб борилган, холос. Кейин эса ишни силлиққина ёпиш тараддудига тушиб қоладилар. Маълум бўлишича, босқинчилар тўдасининг бошлиғи Ж. Ҳайдаров Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари М. Бозоровнинг яқин қариндоши бўлиб, у Денов шаҳрида илгари ҳам кўп бора безорилик қилган, қонунни бузган экан.

Денов туманида «ғузорлик»лар ва «тоғчи»лар деб ном олган қариндош-уруғчилик тўдалари ҳамма улар ўртасида зиддият кўпчиликка, шу жумладан, туман ҳокими ва маъмурий органларга ҳам беш қўлдек аён эди.

Шаҳарнинг «ёғли» жойларини кўп йиллардан буён талашиб келаётган бу икки тўдани тартибга чақириш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади. Тўда вакилларининг тўқнашуви ва кейинги ур-йиқитлар натижасида бир киши ҳалок бўлди, бир киши оғир тан жароҳати билан касалхонага тушди. 12 хонадонга ўт қўйилди. Ачинарли томони шундаки, бу жиноий ишда ҳам ҳуқуқ-тартибот органи вакили — Денов шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Чориевнинг қўли бўлган.

Деновдаги тартиббузарликлар Сурхондарё вилоятида раҳбарлик ва бошқарувнинг бой берилганликда далолатдир. Буни бошқача изоҳлаш мумкин эмас.

Мен вилоят ҳокими Ҳаким Бердиевни яхши биламан. У ҳалол, тўғри инсон. Лекин кўнгилчанлиги бор. Ҳокимликка сайланаётганида ҳам, ундан кейин ҳам мен буни Бердиевнинг юзига рўйи-рост айтиб, бир неча марта огоҳлантирганман. Аммо у ҳамюртлари, сафдошларининг бегараз танқидидан вақтида тўғри хулоса чиқара олмади. Охир-оқибат кўнгилчанлиги панд бериб, қариндош-уруғлари унинг елкасига чиқиб олишди. Мен бу ерда ҳокимнинг муовинларини ҳам оқламоқчи эмасман. Вилоятдаги нохуш ҳодисаларда уларнинг ҳам айби бор.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти вилоят ҳокими Ҳаким Бердиев, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Мамаюсуф Холбоевлар бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан уларни вазифасидан озод этиш ҳақидаги таклифни овозга қўйди. Халқ депутатлари таклифни бир овоздан маъқулладилар.

Сурхондарёнинг мард, меҳнаткаш, ақл-заковатли халқи бор, — деди Президент. — Бағри кенг айни замонда орияти баланд бу эл фарзандларини ҳурмат қилмаслик мумкин эмас. Вилоятга четдан раҳбар олиб келсак, юзларингизга оёқ қўйган бўламиз. Мен яна шунга аминманки, ўз юрти, эли учун жонини ҳам аямайдиган, каттани ака, кичикни ука деб халқ бошини қовуштирадиган раҳбар Сурхондарёнинг ўзидан ҳам топилади. Шу масалада мен туман ҳокимлари, халқ депутатлари билан маслаҳатлашдим. Фикримиз бир жойдан чиқди.

Ўзбекистон Президенти қонуний ваколатидан фойдаланиб, Сурхондарё вилояти ҳокимлигига Жўра Норалиевни, ҳокимнинг биринчи ўринбосари лавозимига Жовбўри Абдулҳакимовни тавсия этди.

Вилоят халқ депутатлари бу икки номзодни юксак лавозимга якдиллик билан сайлашди.

Президент Ислом Каримов Жўра Норалиев ва Жовбўри Абдулҳакимовни янги лавозим билан табриклаб, вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Музокарада сўзга чиққанлар шу кунларда ҳамма нарсадан азиз бўлган тинчлик, хотиржамлик учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, республика раҳбарияти юргизаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, вазирликлар, идоралар, ҳуқуқ-тартибот органларининг вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

Академик Абдували Имомалиевич ИМОМАЛИЕВ



Пахтачилик фанига катта ҳисса қўшган атоқли олим, фан ташкилотчиси, Ўзбекистон, Россия ва Украина қишлоқ хўжалиги фанлари академияларининг академиги Абдували Имомалиевич Имомалиев 62 ёшида ҳаётдан бевақт кўз юмди.

А. И. Имомалиев Ўрта Осиё давлат университетини битирганидан кейин 1955 йилда меҳнат фаолиятини бошлади. 1958 йилда аспирантурада ўқишни тамомлаб, номзодлик диссертациясини ёқлади. 1960 йилдан 1968 йилгача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўсимликлар тажриба биологияси институтининг тажрибахонасига мудирлик қилди ва шу институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлди.

А. И. Имомалиев Ўзбекистон деҳқончилик соҳасининг етакчи ўқув ва илмий-тадқиқот муассасаларида кўп йил ишлади. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ректори, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг академик-котиби, «Союзнихи» директори, шунингдек, «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори бўлди. 1992 йилда А. И. Имомалиев Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг президенти этиб сайланди.

А. И. Имомалиев илмий тадқиқотлари билан Ўзбекистон ва МДҲдаги бошқа пахтакор давлатлар пахтачилигини ҳамда қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларини ривожлантиришга кўмаклашди. У ер унумдорлигини ошириш, пахта яккаҳокимлигини тугатишга, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга муҳим ҳисса қўшди.

Академик А. Имомалиевнинг кўпгина илмий тадқиқотлари дефолиантлар, дикамбакантлар, гербицидларнинг ғўзага физиологик таъсирига, ҳосил тугунчалари пайдо бўлиши, шоналарнинг тўкилиши, ғўза ҳосилдорлигини ошириш ва пахта сифатини яхшилаш қонуниятларини ўрганишга бағишланган эди.

1983 йилда янги препаратларни яратгани ва ишлаб чиқаришга жорий этгани учун унга СССР Вазирлар Кенгашининг Давлат мукофоти, 1985 йилда эса Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси фан ва техника соҳасидаги Давлат мукофоти берилди.

А. И. Имомалиев салкам 400 та илмий асар, 5 та монография эълон қилди. У педагогика фаолиятида кўп куч сарфлади, «Ўсимликлар биологияси» дарслигини ёзди, 4 нафар фан доктори ва 65 нафар фан номзоди тайёрлади.

Илм-фанни ривожлантиришдаги, юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашдаги хизматлари ва кўп қиррали жамоат фаолияти учун А. И. Имомалиев иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар ва республика Олий Кенгаши Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Атоқли олим, педагог, фан ташкилотчиси ва дилкаш инсон Абдували Имомалиевич Имомалиев хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. А. Каримов, Ш. М. Йўлдошев, А. Муталов, И. Ҳ. Жўрабеков, М. Б. Умурзоқов, С. С. Саидқосимов, Т. Т. Рисқиев, М. Қ. Қорабоев, Н. Р. Юсуфбеков, Н. Қ. Қаюмов, М. С. Сирлоҳиддинов, С. Н. Усмонов, М. М. Мирзаев.

● *Замон—ишбилармонники*

БИР ХЎЖАЛИКДА ЎН БИР КОРХОНА

● Дўстлик районидаги «Дўстлик» давлат хўжалиги ҳудудида ўн битта кичик корхона ташкил этилган эди. Бултур район аҳолиси қандолатчиликнинг уч хил маҳсулотидан баҳраманд бўла бошлади. Кўп ўтмай хўжаликнинг марказий қўрғонида консерва заводи, кийим тикиш, гилам тўқиш бўёқ ишлаб чиқариш ҳамда оҳак куйдириш цехлари ҳам иш бошлади.

Бу майда корхоналар хўжаликка ҳар йили 6—7 миллион сўм мўмай даромад келтиряпти.

Хўжалик раҳбари Суннатилла Эргашевнинг асли касби —иқтисодчи. У республикада биринчилардан бўлиб ижара пудратини қўллаган хўжаликнинг собиқ директори — ҳозирда республика қишлоқ хўжалиги вазири Норбек Қаюмовнинг шогирди. Малакали мутахассис, тажрибали директор С. Эргашев айни пайтда одамлар ишончини қозонишга улгурган ишбилармон раҳбар ҳам.

— Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги қийин шароитда хўжалик меҳнаткашлари эҳтиёжини қондириш, қолаверса, юқори даромад топиш мақсадида имкон излаб иш юритяпмиз. Бу эса, биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш имконини яратса, иккинчидан, халқ истеъмоли молларини кўпайтиришга ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, хўжаликнинг кийим тикиш цехида 50 дан зиёд хотин-қиз болаларга атаб кийим-кечак тайёрлаш билан машғул. Гилам цехида 6 киши ҳар ойда 4 та патли қилам тўқимоқда.

Сир эмаски, баҳор-ёз ойларида одамлар уй-жойларини таъмирлаш учун бўёқ қидириб қолишади. Уни шаҳардаги дўконлардан топиш амри маҳол. Бўлса ҳам нархи қиммат. Аммо хўжалик маъмурияти бу эҳтиёжни ҳисобга олиб, ўз бўёқ ва оҳак куйдириш цехларини қуриб олди. Ўтган йили бу ерда 30 тонна бўёқ тайёрланиб, харидорларга сотилди. Хуллас, ўзингга борига нима етсин, деб, шунга айтсалар керакда.

Т. СОИНАЗАРОВ,
Жиззах вилоятн.

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВ ЭЛТУВЧИЛАР

Республика «Оби ҳаёт» лойиҳалаш-қурилиш бирлашмасининг 4-сон Хоразм қурилиш-созлаш бошқармаси вилоятнинг Гурлан тумани ҳудудида ишлай бошлаганига эндигина икки йилдан ошди. Асосан қишлоқ кўчаларига водопровод қувурлари ётқизиб, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга даъват этилган жамоа дастлабки йилнинг ўзидаёқ «Вазир» жамоа хўжалигида 39,5 километр, «Янгиобод» совхозида эса тўрт километр масофада водопровод тармоғи, учта ўринда эса сув тозалаш иншоотини фойдаланишга топширди. Ўтган йили «Вазир» жамоа хўжалигида қарийб тўққиз километрлик масофадаги кўчага водопровод тармоғи тортилди. Шу тармоқни ишга тушириш учун етти миллион 246 минг сўмлик, шунингдек, Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида 5 миллион 46 минг сўмлик, «Янгиобод» давлат хўжалигида эса 432 минг сўмлик қурилиш-созлаш ишлари адо этилди.

— Бундан ташқари, дейди бошқарма бошлиғи Нориммат Каримов, — биз шартнома асосида хўжаликлар, турли муассасалар ҳамда аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйганмиз. Жумладан, ўтган йили бир неча шахсий уй-жойнинг пойдеворини қуриш, ғишт териш, шипини шувоқ қилиш, дераза ромлари ва эшикларини тузатиш каби юмушлар адо этилди. Шунинг ўзидан бошқарма ғазнасига 464 минг сўм кирим қилинди. Бундан ташқари, «Вазир» қишлоғидаги Худойберган Раҳимов номли, Мадраҳим Аҳмедов номли, Нам Хин Дюн номли мактабларни таъмирлаш, «Амударё», «Вазир» жамоа хўжаликларининг бир неча километрлик ички суғориш шохобчаларини ҳамда коллектор-зовурларини тозалаш ишлари ҳам сифатли бажарилди. Бу жабҳада бажарилган қурилиш-созлаш ишлари ҳажми эса бир миллион сўмдан ҳам ошиб кетди.

Жорий йилда Иброҳим Холматов номли жамоа хўжалигида тўққиз километр, Навоий номли жамоа хўжалигида 16 километрлик масофада водопровод тармоқлари, «Амударё» жамоа хўжалигида эса дўкон ва ҳаммом қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Жамоа амалга ошираётган бу хайрли ва савобли ишларда гидромеханизаторлардан Ўрозбой Ҳайитматов, Комил Холмонов, экскаватор-ҳайдовчилари Гулмирза Эшматов, Соли Матмуродов, кранчи Бахтиёр Тўлибоев, қувур ётқизувчилардан Шавкат Йўлдошев, Матёқуб Ҳайитматов, Йўлдош Жабборов, усталардан Даврон Машарипов, Шукрулла Абдуллаевлар топшириқни ҳалол ва сифатли адо этиб, эл таҳсинига сазовор бўлишяпти.

Дарвоқе, бошқарма ҳузурида ўтган йили қатор ёрдамчи корхоналар, жумладан, қирқ нафарга яқин қизжувон иш билан таъминланган, гиламчилик, ўн нафар хотин-қиз жалб этилган тикувчилик, темирчилик ва дурадгорлик цехлари ҳам ташкил этилди. Бу корхоналарда тайёрланаётган гилам ва турли кийим-кечаклар, чилангарлик асбоб-анжомлари-ю, дурадгорлик буюмлари аҳолига бозор нархидан анча арзонга сотилмоқда. Асосий хом ашё сифатида асосан арматура чиқиндиларидан фойдаланиладиган темирчилик цехида техника воситалари учун айрим ноёб эҳтиёт қисмлар ҳам тайёрланяпти. Ахир эҳтиёт қисмлар танқислиги айни кунларнинг энг долзарб муаммоларидан бири-ку.

Айтмоқчи, бошқармада паррандачилик ҳам йўлга қўйилди. Жўжалар сони минг бошга етай деб қолди. Беш юз бошга яқин товуқ тухум қиляпти. Улар арзон баҳода ишчиларга сотиляпти. Давр бу тармоқнинг янада юксалтиришни тақозо қилмоқда.

Қаловини топса қор ҳам ёнади, дейди халқимиз. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар қўлига тушган иш аъло бажарилмай қолмайди. Ундайлар учун ишлайдиган жой топиш ҳам муаммо эмас. Шунинг учун бу жамоа элга хайрли ишлар қилиб, ҳиммат кўрсатяпти. Натижада қурувчилар тили билан айтганда, жамоа бажараётган иш ҳажми тобора ошиб бормоқда!

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҒУЛОМ АЛИЕВ СУРАТГА ОЛАДИ...









Таниқли сураткаш Ғулом Алиев кўп йиллардан буён Самарқанд вилоят газетасида самарали меҳнат қилиб келади. У ҳамиша одамлар орасида. Баъзан уни қишлоқ меҳнаткашлари пахтакору-чорвадорлар ҳузурида кўрсангиз, гоҳо ишчилар ҳузурида учратасиз.

Ғулом Алиев «Ўзбекистон овози»нинг чин дўсти. У кўп йиллардан бери газетамизга суратлар юбориб туради. Илғор чорвадорлар, пахтакорлар, ишчилар, хизматчилар, хуллас, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган одамларни тасвирга туширади. Ғулом ака бу гал ҳам газетамизга жозибадор суратларни юборибди.

Кўп қаватли уй ёнида гуллаган ўрик нақадар гўзал. Ўнгдаги суратда Наврўз байрамига келган меҳмонларни кутиб олаётган мезбон қиз-жувонлар тасвирланибди. Пастдаги суратда эса Самарқанд районидаги Фотима Қосимова номли жамоа хўжалиги илғор лимончиси Номоз Ўтамуродов. Мазкур хўжалик цитрусчилари 62,5 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олишди. Улар 5,5 миллион сўм даромад олишди.

Сўнгги суратда эса Самарқанддаги шойи тўқиш бирлашмаси биринчи тўқув цехи илғор ишчиси Елена Мирҳамидова. У маҳсулотнинг асосий қисмини юқори навларга топшираётир.

КЎПРИКСОЗЛИК— САВОБЛИ ИШ

Дунёда йўлдан кўпи йўқ, уни пардозлаб бўладими? Намангандаги кўприк қурилиши бошқармаси жамоаси мана шу саволнинг ижобий жавобини амалда намойиш қилди.

Кўприксозлар ўтган йилни муваффақиятли якунлаб, 13 миллион 152 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажардилар. Косонсой, Янгиқўрғон районлари оралиғидаги йўлларда иккита темир-бетон иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Поп, Янгиқўрғон ва Чортоқ районлари ҳудудидаги тўртта кўприк кенгайтирилиб, сифатли пардозланди.

Кўприксозлар, Тўрақўрғон, Учқўрғон ва Чортоқ шаҳарларида пиёдаларга ерости йўллари қуришда етарли тажриба орттирганлар. Шу тажрибага асосланиб, улар шундай иншоотни Янгиқўрғон шаҳрида ҳам қуриб битказдилар.

Дарҳақиқат, кўприк қуриш — аждодларимиздан қолган савобли ишлардан бири. Бу ишда бошқармасининг О. Отахонов етакчилик қилаётган бригадаси кўприксозлари Ш. Нажмиддинов, Е. Исмоилов, бульдозерчи А. Убайдуллаев, кран машинисти С. Турғуновларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Иқтисодиётдаги муаммолар бошқармамизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ, — деди бошқарма бошлиғи М. Исмоилов. — Қурилиш материаллари баҳоси ошиб кетганлиги сабаб, вилоятнинг умумфойдаланишдаги йўлларида янги кўприклар қуриш ўрнига, уларни таъмирлаш анча арзонга тушади; Лекин ишчи-хизматчиларимизни иш билан таъминлаш мақсадида, қолаверса, анъанага айланган кўприк қуришдек савобли ишларни тўхтатаётганимиз йўқ. Бу-юртмачилар топиб, пудрат ишлари бажариляпти. Чунончи, газлаштириш бошқармаси, қурилиш ташкилоти билан Тўрақўрғон ва Задарё районларида кўприк-қуришга келишиб олдик.

А. ҚУЧҚОРОВ,
Наманган вилоятн.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 21.

1993 йил 16 апрель


"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

• ИСТИҚЛОЛ УФҚЛАРИ

«ҚИЗИЛҚУМКАМЕБМЕТАЛЛОЛТИН» ДАВЛАТ КОНЦЕРНИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ, ХДП АЪЗОСИ Р. А. ИЎЛДОШЕВ БИЛАН СУҲБАТ

Суҳбатдошимизнинг қисқача таржимаи ҳоли шундай: Рустам Иўлдошев 1954 йилда Бухоро районида туғилган. 1977 йилда Белгород шаҳридаги Педагогика давлат олийгоҳини тугатган. Илк меҳнат фаолиятини 1978 йилда Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли 1-гидрометаллургия заводида оддий аппаратчиликдан бошлаган. 1979-1987 йиллар давомида комбинатда инженер ва катта инженер, муҳандислик лавозимларида ишлаган. 1987 йилдан то 1991 йилга қадар кончилар корхонасида партия қўмитаси котиби сифатида фаолият кўрсатган. Уч йилдирки, у комбинат концерни раиси ўринбосари вазифасида ишлаяпти. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Навоий саноат техникумини ҳам битирган. Оилалик, икки фарзанди бор.

ҚИММАТЛИ МАЪДАН— БОЙЛИГИМИЗ



— Рустам Ашурович, бозор муносабатлари даврида комбинатнинг хорижи билан алоқаси, валюта ишлаш имкониятлари, кончиларни ижтимоий ҳимоялаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўриляпти? Энди собиқ иттифоқ йўқ, қайси манба ва резервларга таяниб иш кўряпсизлар?

— Тўғри, аввалари айтарли барча хом ашё четдан келтириларди. Ҳатто қудратли техникадан тортиб, оддий бир кичик асбоб-ускунани Россиянинг у ёки бу шаҳридан олардик. Хўш, энди нима қилишимиз керак? Комбинатимиз мутахассис-муҳандислари хориждан шерик топишга, улар билан мол айирбошлашга киришиб кетдилар. Изланишларимиз зое кетмади. Тез орада хорижга йўл очилди. Бу эса қазилма бойликлар қазиб олиш ва уни қайта ишлашни яна изга тушириб юборди. Қарабсизки, комбинат иқтисодиёти ҳам аста-секин юксала борди. Масалан, ўтган йили комбинатимизда барча кўрсаткичлар бўйича режалар ортиғи билан бажарилди. Буни бевосита қатъий изланишлар меваси, дейиш мумкин.

Хориж билан алоқа боғлаш ва чет мамлакатлардан ҳомийлар топиш эвазига комбинатда қатор қўшма корхоналар иш бошлади. Буни Зарафшон шаҳридаги «Агама» трикотаж буюмлари фабрикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Асосан Швейцария ва Олмония асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бу корхонада замонавий болалар кийим-кечаклари тайёрланмоқда. Бултурнинг ўзида корхонада ўн миллион сўмликдан зиёд турли маҳсулотлар тикиб чиқарилди. Шунингдек, Америка-Ўзбекистон қўшма корхонаси — «Зарисп-арк»ни ҳам хориж билан шеригчилик самараси, деса бўлади. Италиянинг замонавий технологияси асосида яратилган бу корхона ҳар йили ўртача 1,5-2 тонна олтинни қайта ишлаб, ўттиз турдан ортиқ олтин зираклар, сирғалар, узуклар, тақинчоқлар тайёрлайди.

Шуни айтиб қўяй, бизда ўта харидоргир олтин, кумуш, уран, мармар бор экан, хорижлик шартномачилар ва мол айирбошлаш истагини билдирувчилар сони ортаверади. Кейинги икки йил мобайнида сотилган маҳсулотларимиз ҳисобига ўзимиз учун зарур ускуналарни харид қилдик. Бу хом ашёлар, шубҳасиз, олтин қазиб олиш кўламини ва салмоғини оширади. Биз айни пайтда қазилма бойликларимизни валютага алмашиб, четдан дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналари, касалликларни аниқлаш ва тўғри диагноз қўйиш аппаратларини оляпмиз. Яқинда комбинатимизга қарашли 27-тиббий бўлинмага қарийб юз минг Америка долларига Италиядан ички касалликларни аниқлаш ва янги туғилган чақалоқларни даволаш воситаларини сотиб олдик. Бугунги кунда бу замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари нафақат комбинатимиз кончиларини, балки бутун навоийликларнинг сиҳат-саломатлигини тиклашда асқотмоқда.

Комбинатимиз иқтисодиёти, валюта ишлаш имкониятларига тўхталадиган бўлсам, ҳозирча биз валютани фақат табиий ер ости бойлигимиз эвазига қўлга киритяпмиз. Шуни айтиб қўйишим керакки, Иттифоқ тарқалиб кетгач, бу хом ашёга талаб бирмунча сусайди. Ҳозир биздан фақат биргина мамлакат уран харид қиляпти, холос. Ундан олинган фойда эса бозор муносабатлари даврида кончиларнинг ойлик маошидан ортмаяпти. Агар уран сингари кумуш, мармар, бошқа қимматли тоғ жинсларини ҳам валютага айирбошлашга эришсак борми, корхона иқтисодиёти ўн, юз баравар эмас, балки ундан ҳам юқори бўлади. Лекин, буни комбинат иқтисодиёти ночор аҳволда экан, деб тушунмаслик керак. У асосан олтин қазиб олиб, у билан савдо қилар экан, иқтисодиёт пароканда-лиги борасида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Фақат илгариги узоқ муддатли шартнома шартлари бузилгач, ишимизда озроқ бўлса-да узилишлар юзага келди. Лекин, бир йилдан ошдики, ер ости бойликлари, жумладан олтин, кумуш, мармар, уран қазиб олиш ҳам бажарилди. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётнинг яхшиланишига, даромаднинг ошишига олиб келди.

Кадрларимиз комбинатнинг таянч нуқтаси, қудратли устунидир. Шундай экан, улар билан ишлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишни бундан кейин ҳам яхшилайверамиз.

— Навоий вилояти ва шаҳрида 17 та саноат корхонаси мавжуд. Уларнинг ичида табиатга, экологик муҳитга кўпроқ зиён етказаётганлари бу — сизларнинг комбинатларингиз ва «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Цемент заводидир. Шундай экан, комбинатнинг атроф муҳитга, инсон саломатлигига зарарини камайтириш юзасидан бирон бир амалий чора кўрилляптими?

— Ҳақиқатан ҳам шаҳримизда саноат корхоналари кўп, ҳавоси ифлос. Бизнинг машинасозлик заводимиз, 1-гидрометаллургия корхонамиз шаҳар ҳавосини ифлослантирмоқда. Ана шуларни ҳисобга олиб, биз кейинги вақтда зарарли ва заҳарли цехларни айтарли тўхтатиб ёки ёпиб, уларнинг эвазига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиряпмиз. Биргина машинасозлик заводининг ўзида кейинги пайтда қатор зарарли хом ашёлар ўрнига дазмол босиш тахталари, кир қистиргичлар, ёнилғи қуйиш бидонлари, тўшт қиймалаш тахталари ва аҳоли учун зарур бўлган рўзғорбоп буюмлар ишлаб чиқаришга кенг эътибор бериляпти.

Оқава, чиқинди сувлари эса дорилаб, тиндирилиб, сўнгра зарарсиз бўлган жойларга оқизиб юбориляпти. Маликчўл яйловларига ва Зарафшон дарёси сувига эса зиён отмаяпти. Зафаробод, Нуробод посёлкаларида айрим занглаб, чириган қувурлар янгилари билан алмаштирилмоқда. Табиатга зарар етказмаслик чоралари кўриляпти. Кислотали кимёвий усулли иш жараёнларидан ҳам айтарли воз кечяпмиз.

Учқудуқ, Зарафшонда ҳам табиат тенглигига путур етказмаслик чора-тадбирларини қўллаяпмиз. Мақсад — ўзимиз нафас олаётган ҳавони булғамаслик ва борлиқни қандай бўлса шундайлигича асрашдан иборат.

— Энди мустақиллик, истиқлол шарофати туфайли қайта кўз очган миллий халқ байрами — Наврўз ва унинг кончилар комбинатида қай тарзда нишонланғани хусусида гапириб берсангиз.

— Улуғ айём — Наврўзнинг комбинатимизда нечоғли нишонланганини сўз билан таърифлашга ожизман. Қарийб саксондан ортиқ миллат ва элатга мансуб ишчилар бир оға-иниdек, яшаб, меҳнат қилиб келаётган комбинатимизда бу умумхалқ байрами ўн кун давомида тантана қилинди. Шаҳардаги «Наврўз», «Ширин», «Фарҳод» маданият саройларида кончиларимиз, геологларимиз турли кўрик-конкурслар, танловлар ўтказишди. Кончиларнинг асосий авлоди яшаб, меҳнат қилаётган Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларида ҳам Наврўз бир ҳафта давом этди. Биз комбинатимизда ишлаб, нафақага чиққан ёки касалманд бўлиб, тўшакда ётиб қолган фахрий кончиларнинг, бемор ва ногиронларнинг ҳам кўнглини овлаб, совға-саломлар улашдик. Байрам куни ойлик маош, мукофотдан ташқари ҳар бир ишчи учун қўшимча эллик сўмдан пул берилди.

Хуллас, Наврўз комбинатимизнинг ҳар бир бўлимва ва бошқармасида зўр тайёргарлик ва уюшқоқлик билан ўтказилди.

Суҳбатдош М. ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Серқуёш ўлкамга солгайдир назар,
Улуғ аждодларнинг покдомон руҳи.
Навоий номини олган бул шаҳар.
Номига монанддир асли шукуҳи.

Демангиз, тупроғи олтину маъдан,
Бойликка кон деманг юртим ҳеч қачон.
Заминнинг қаърида машъалин ёқиб,
Яратгувчи асли Ҳазрати Инсон!

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

⊙ 1985 йилдан бошлаб комбинатда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу ўринда, айниқса, корхонага қарашли машинасозлик заводида хайрли ишлар амалга оширилди: дазмол босиш тахтаси, 20 литрлик ёнилғи қуйиш идиши, банка қопқоқлари ҳамда турли кир қистиргичлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

⊙ 1988-89 йилларга келиб заводда «Десна» кир ювиш машинаси ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Ўтган йили бу сингари машиналардан 6752 та ишлаб чиқарилди. Айни кезда Ҳамдўстлик мамлакатларида «Десна»нинг бозори ниҳоятда чаққон. Эндиликда бу ерда ошхоналар учун товоқ, қошиқларни ювадиган «Наталка» комбайнини ҳам ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

⊙ Тоғ-металлургия комбинати ҳомийлигида Конимех районидаги Қарақота посёлкасида йилига 250 минг тонна фосфор ўғити ишлаб чиқарадиган завод қурилиши шу йил июнь ойидан оммавий бошлаб юборилади. Бу ерда 11 минг киши яшайдиган янги посёлка ҳам бунёд этилади.

⊙ 1991 йилдан бошлаб Зарафшон шаҳрида қурилган «Агама» кичик корхонаси ўз маҳсулотини бера бошлади. Швейцария ва Олмония технологияси асосида қурилган бу қўшма корхона трикотаж буюмлари, айниқса, болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришда қўл келмоқда.

⊙ 1992 йилда қурилиши бошланган Америка—Ўзбекистон қўшма корхонаси — «Зарисп-арк» йилига икки тонна олтинни қайта ишлаб, ўттиз турдан зиёд тилла тақинчоқлар, сирға ва билакузуклар ишлаб чиқаради.

⊙ Яқинда Швециядан Мурунтов олтин кони учун «Р—70» типидаги тоғ жинслари суриш техникаси сотиб олинди. Американинг «Юклид» фирмасидан эса 130—170 тонналик ўзиятўкар қудратли машиналар келтирилди.

● КОНЧИ КОНЧИЛАР ҲАҚИДА

ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

Шаҳримизнинг афсонавий дейилишида, унга Зарафшон, деб ном берилишида ажиб бир маъно бор. Одам юрса оёғи қуш учса қаноти куядиган жизғанак саҳрода жаннатмакон бир шаҳарнинг пайдо бўлиши чиндан ҳам афсонага ўхшайди. Зарафшон масаласига келсак у олтин қазиб олувчи заргарлар масканидир. Бир сўз билан айтганда, Мурунтов олтини бу шаҳарни қоқ саҳрода вояга етказди. Уни ажиб бир яшилликка буркади. Илгари чўпон-чўлиқ об-ҳаётга ёлчимаган бу ерда эндиликда ичимлик сув ҳам, табиий газ ҳам мавжуд. Мазкур ҳудудда ҳозир етмиш мингга яқин кончи, геолог, кимёгар, қурувчи яшаб, меҳнат қилишяпти. Аниқроғи, Қизилқум тилсимотларини очишяпти..

Эллигинчи йиллар охири олтмишинчи йиллар бошлари эди Мурунтов олтини топилди. Шаҳарнинг илк пойдеворига асос солинди. Кон очилишида ҳам, бу шаҳар қурилишида ҳам Шароф Рашидовнинг хизматлари катта. У биринчи бор ғишт қўйиб, лентани кесган эди. Шундан буён Зарафшон ҳам, Мурунтов ҳам Ўзбекистон учун, унинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилмоқда. Бундан чорак аср муқаддам шаҳарда фақат пастқам кичик уйчаларни, вагончаларни кўриш мумкин эди. Энди бўлса, бу ерда тўққиз-ўн қаватли ҳашаматли турар-жой бинолари, замонавий маданият саройлари, истироҳат боғлари, ўйингоҳлар, касалхона ва поликлиникалар қад ростлаган. Савдо шохобчалари, дўконлар, ошхоналар, дам олиш кўллари эса шаҳар чиройига-чирой қўшиб турибди.

Шаҳримиз бунёдкорлари, олтинтопарлари хусусида тўхталадиган бўлсам, у ердаги марказий кон бошқармамиз Зарафшонинг асосий таянч нуқтасидир. Шаҳарнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам, қўйингки, келажаги ҳам худди шу таянч нуқта — олтин ва олтинтопарларга таянади. Шундай экан, мурунтовлик кончилар, ҳавза заргарлари юмуши ва ташвишлари, бугунги бозор муносабатлари давридаги муаммолари хусусида фикр юритмай иложим йўқ. Бошқармамизда турли миллат вакилларига мансуб ўн мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Улар бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб яшашяпти.

Шу аҳиллик боис бошқармамизда ойлик ва йиллик режалар мунтазам ошиғи билан бажарилмоқда. Ўтган йили кончиларимиз тоғ жинслари қазиб олишни ҳам, уни қайта ишлаб олтин саралашни ҳам уддалашди. Собиқ Иттифоқ парчаланган, шартнома шартларидан путур кетган бўлса-да, ҳавза олтинтопарлари қўшимча имкониятларни ишга солиб, ташаббускорлик намуналарини кўрсатишяпти. Натижада жорий йилнинг биринчи чораги тоғ массаси қазиб олиш режасини муддатидан олдин бажардик. Бу ўринда Рустам Қаюмов, Иван Семенов, Максим Дурназаров, Евгений Шедрин, Машғулот Раҳимов, Бозор Одилов сингари экскаватор машинистлари, тош майдаловчи тегирмончилар, кон портлатувчилар, оғир юк кўтарувчи машина ҳайдовчилар эса алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Ана шундай тадбиркор ишбилармон кончилар ҳиммати туфайли олтин ишлаб чиқариш сифати ва салмоғи муттасил ортяпти.

Биз кон ҳавзасида эски асбоб-ускуналарни янгилари билан алмаштириш, ложи борича тоғ жинслари қазиб олишда хориж технологиясини қўлланишни ҳам ўзлаштириб оляпмиз. Икки йилдирки, ҳавза чуқурлашиб боришини ҳисобга олиб, бемалол 150 метр баландликка тоғ жинсларини кўтариб берадиган Олмониянинг ленталн транспортёрларини ишга туширдик. Натижада оғир юк ташувчи «БелАЗ» машиналарининг иш маромн бирмунча ортди. Шунингдек, Америка ва Италиянинг қудратли тоғ ковлаш ва суриш техникаларини ҳам валютага сотиб олдик. Яқинда эса Американинг «Юклид» фирмаси билан уран эвазига 180 тоннага қадар юк кўтара оладиган машиналарни келтирдик. Буларнинг ҳаммаси олтин қазиб олишнинг кўпайишига хизмат қилмоқда. Ҳавзадаги ҳаво тозалагичларни ҳам янгилари билан алмаштиришни мўлжаллаяпмиз.

Бошқармамизда ечимталаб айрим муаммолар йўқ эмас. Асосий муаммо бу — малакали мутахассисларнинг у ёки бу сабабларга кўра ишдан кетиши. Буни ижтимоий ҳимоянинг ночорлиги, деб тушунмаслик керак. Аксинча бизда малакали мутахассислар 15-20 минг сўмгача етказиб маош олишади. Яна бир муаммо қудратли техникаларнинг, жумладан, замонавий экскаватор ва бульдозерларнинг, «БелАЗ» типидаги 100-160 тоннага қадар тоғ массаси кўтара оладиган қудратли машиналарнинг етишмаслиги. Чунки, оғир юк кўтарувчи ва ўзиятўкар машиналар бизнинг асосий қуролимиздир. Шунингдек, кон ҳавзаси чуқурлиги айни кезда 250 метрдан ошиб кетди. Кончиларимиз қанчалик чуқурликка тушгани сайин ишлаш жараёни шу қадар оғирлашмоқда. Айниқса, ёғингарчилик кунлари конда ишлаш ниҳоятда оғир. Шу боис бизга замонавий ҳаво тозалагич машиналар керак. Бунинг устига конда чангланиш ва ифлослик ортмоқда. Демак, клинкер сингари кон йўллари ва йўлакларига сепадиган суюқ хом ашё ниҳоятда зарур.

Шу ўринда яна бир нарсага тўхталмоқчиман. Иқтисодий танглик туфайли шаҳарда қурилиш кўлами оқсаб қолди. Бу ўз навбатида кончилар учун турар-жой муаммосини келтириб чиқармоқда. Кадрларнинг қўнимсизлиги ҳам кўп жиҳатдан шу муаммоларга боғлиқ.

Зарафшон заргарлари, Мурунтов олтинтопарлари ягона эзгу ният мустақил Ўзбекистоннинг тез орада қудратли давлатга айланиши учун қўлдан келган ҳамма ишни қилишга тайёр.

г. ПРОХОРЕНКО,
Зарафшон Марказий кон бошқармаси директори.

ЧИҚИНДИСИ ҲАМ ФОЙДА КЕЛТИРАР

Чорак асрдан ошдики, Мурунтов олтин конидан қазиб олинган ва қайта ишланиб, чиқариб ташланган тоғ жинслари ҳавзаси атрофида баҳайбат тоғ мисоли уюлиб ётибди. Бу ерда минглаб эмас, балки миллион-миллион тонна олтин ажратиб олинган тоғ жинси мавжуд. Қарангки, ана шу кераксиз ташландиқ тоғ жинсларининг ҳам эгаси топила қолди. Иқтисодиёт ва тараққиётга кўмаклашувчи Европа банкининг вице-президенти жаноб Рональд Фримен жумҳуриятимизда бўлганида шу чиқиндилардан қайта олтин олиш нияти борлигини айтди. Шундай қилиб, Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасига асос солинди.

Президент Фримен жаноблари Навоий кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон геология қўмитаси ҳамда АҚШнинг «Ньюмонт Майнинг корпорейшен» компанияси ҳомийлигида «Зарафшон—Ньюмонт» корхонаси молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланажагини билдирди. Бироқ бўлажак корхона учун асосий маблағни Европа банки бериши аниқ. Чунки бу хайрли ташаббус асосан Фрименнинг ўзидан чиққан. Бунинг устига қўшма корхонанинг қурилиши ва лойиҳаси устида ҳам кўпроқ вице-президентининг ўзи бош-қош бўлмоқда. Ахир, чиқиндилар қайта ишланиб, олинган соф фойда тенг бўлингач, икки томон ҳам манфаатдор-да! Дастлабки маълумотларга қараганда, корхона ишга туширилгач ҳар йили ўртача бир неча тонна олтин олиш мўлжалланяпти. Бу сингари қўшимча фойда кимни ҳам қизиқтирмайди, дейсиз?

Шунинг учун Фримен корхонани тезроқ қуриш, уни хориж технологияси билан тўла жиҳозлаш учун бор куч-ғайратини ишга соляпти. У биздаги йирик олтин қазиб олиш кони Мурунтовни ҳам замонавий технология билан таъминлаш ва олтин қазиб олиш сифати ҳамда самарадорлигини оширишга сидқидилдан кўмаклашмоқчи. Хуллас, Фримен асос солаётган Америка-Ўзбекистон қўшма корхонасининг келажаги порлоқ. Чунки, бу қўшма корхона нафақат илгари бир бор фойдаланиб чиқиндига айланган тоғ жинсларини қайта ишлайди, балки Мурунтов олтинининг сифатини кафолатлаб, унинг жаҳон бозоридаги обрўсини янада оширади. Гап фақат бу қўшма корхонанинг тезроқ қурилиб, ишга туширилишида қолди, холос.

Ўзбекистон замини ўзининг сахийлиги билан бутун дунёни лол қолдираётганлиги қувончли. Шунча йил олтинини дариғ тутмаган Мурунтов эндиликда тоғ-тоғ чиқиндилари билан ҳам жаҳондаги энг машҳур компаниялар президентларининг диққатини ўзига тортяпти. Буни мустақиллик, истиқлол уфқлари демай иложимиз йўқ.

ТЎҚИМАЧИЛАР ШИЖОАТИ

Аввал иқтисод, кейин сиёсат, дейдилар. Бу гап ҳозирги шароитда не чоғли долзарб эканлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бугунги кунда баъзи соҳаларда таъминот масалалари анчайин қийинчиликларга қарамай, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглаб олаётган саноат корхоналари ҳам талайгина. Шундай тадбиркор жамоалардан бири Олот тўқув фабрикасидир.

Олот шаҳридаман...

Айтишларича, бир замонлар бу жойларда кўчманчи «Орлот» қабиласининг вакиллари умргузаронлик қилган эканлар. Шу сабаб бўлса керак, шаҳар бугунги кунда Олот номи билан аталади.

Бу масканнинг бугунги жамоли, саноати турмуш тарзи ҳар қачонгидан уйғоқ. Олотнинг ҳозирги даврда, мамлакатимизнинг асосий дарвозаларидан бири сифатида эътироф этилиши ҳаммамизга аён. Чунки қўшни Туркманистоннинг сарҳадлари, ўлкалари билан туташган жойлар саналади бу диёр.

Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган тўқув фабрикасининг ўзгача жамоли кишини ўзига мафтун қилади. Фабриканинг бугунги шижоати, ғайрати, меҳнатдаги матонати мазкур ўлканинг номини, республикамизга, қолаверса бир қанча мамлакатларга ёйиб келмоқда.

Корхона 1987 йилда иш бошлаган эди. Мана қарийб 6 йилдирки, фабрика жамоаси, республикадаги турдош корхоналар орасида истеъмолчиларга пешма-пеш сифатли маҳсулот турларини етказиб бериб, етакчи тармоқлардан бирига айланди.

Ҳозирги кунда корхонада 694 дан зиёд ишчи-хизматчилар ғайрат ва матонат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 60-70 фоизини эса хотин-қизлар ташкил этади.

Тўқимачилар 1993 йилнинг охиригача жами 11 миллион 500 минг метрга етказиб маҳсулот тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

— Корхонамиз асосан «Беаз» яъни (хом сурп) ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Тайёрланадиган маҳсулотларимиз Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилади. У ерда қайта ишланган хом ашёлар тайёр газлама ҳолига келтирилади, — дейди биз билан суҳбатда фабрика директори Омонжон Ҳамроев. — 1993 йилнинг биринчи мавсуми мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш 105,9, меҳнат унумдорлиги 110,9, маҳсулот сотиш 120,9 фоизга бажарилди.

Айтиш керакки, иқтисодий мустақиллик даври жамоани янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга ундаётир. Фабрикада икки меҳнат кунида иш олиб борилади. Жамоада маҳаллий ёшлардан етишиб чиққан иқтидорли кадрлар кўпчиликни ташкил этади. Улар мавжуд бўлган тайёрлов, тўқув ҳамда маҳсулотларни навларга ажратувчи тармоқларда унум билан меҳнат қилмоқдалар. Илғорлардан Баҳриддин Расулов, усталардан Толиб Пирнафасов, уста шогирдларидан Нормамат Норов, Содиқ Одилов сингарилар ўзларига юклатилган мажбуриятни ортиғи билан адо этиб келмоқдалар.

— Ҳозирги кунда ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик маошлари 7—15 минг сўмни ташкил қилади, — дейди суҳбатдошим. Моддий манфаатдорлик чакки эмас. Булардан ташқари, узоқ жойдан қатновчилар учун транспорт воситалари ажратилган. Улар бу воситалардан текин фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Мана шулар билан бир қаторда корхона қошида дўкон ташкил этилган. Хизматчилар бу дўкондан имтиёзли тарзда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлибгина қолмай, турмуш эҳтиёжлари учун зарур хом ашёни ўз вақтида харид қиладилар. Фабрикамизда ёрдамчи тармоқлар мавжуд бўлиб, унда туёқли моллар ишчиларимизнинг манфаати учун боқилади.

Фабрика қошида сут ва гўшт маҳсулотларини арзонлаштирилган нархда сотиш йўлга қўйилган. Ошхоналар, дам олиш хоналари ишчилар тасарруфида. Болалар боғчаларида ишчиларнинг болалари вояга етмоқдалар. Худди шунингдек, оила қурмоқчи бўлган ёш келин-куёвларга фабрика томонидан моддий ёрдам берилмоқда.

— Бугунги кунга келиб халқ истеъмоли молларига бўлган талаб кун сайин ошиб бормоқда. Тақчилликни бартараф этиш учун кўплаб саноат корхоналари ўз ички имкониятларидан фойдаланиб, қўшимча маҳсулотлар яратишмоқда. Фабрикада ҳам 142 чи артикулда маҳсулот ишлаб чиқарилиб, мол айирбошлаш усули йўлга қўйилган. Тўқув дастгоҳларининг тақчиллиги сабабли шу мақсадларда фойдаланишни жорий қилганмиз, — деб таъкидлади сўзининг охирида директор.

Соҳибжон САЛИМОВ.
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.



Корхона ҳаётидан лавҳалар.

ДИҚҚАТ! ОЛТИНГУГУРТ КЕРАКМИ?

Самарқанддаги «САМ-6» ижара автокорхонаси қуйидаги маҳсулотларни чекланмаган миқдорда сотади:

майдаланган,

суюлтирилган,

ва донадор олтингугуртлар.

ЦЕЛАСТИН

ГИПС

ҚИЗИЛ ТУЗ

маҳсулотларга рухсатнома олинган ва уларни Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда хорижга чиқариш мумкин.

Бундан ташқари автокорхонада бир кунлик жўжалар ҳам сотилади.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Азимбеков кўчаси 1-уй тел: 29-27-23, 29-48-29.

АЗИЗ ИШБИЛАРМОНЛАР!

Тошкент телеграф-телефон станцияси ишлаб чиқариш пакетлари коммутацияси ускуналари негизида маълумотларни юқори тезликда узатувчи республика шохобчаларининг биринчи навбати Sprint International communication (telenet) ни фойдаланиш учун қабул қилиб олди. Бу — жаҳондаги маълумотларни узатувчи шохобчаларни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш соҳасидаги етакчи компаниядир.

Фойдаланувчилар ихтиёрига жаҳондаги 110 дан ортиқ мамлакатдаги ва МДҲдаги йигирмата шаҳардаги абонентлари билан КОМПЬЮТЕР АЛОҚАСИ берилади. Унга электрон почта (спринт майл) хизматлари, жумладан, Х.400 бўйича алмашув, факсимилли хабарлар, ТЕЛЕКС шохобчалари билан ўзаро алоқа ва АТ-50 берилади.

Манзилгоҳ — Тошкент, Навоий кўчаси, 28.

Алоқа телефонлари: 44-30-70 ва 49-04-17.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

АРЗОН НАРХДА

Ташкилот Тошкентдаги омборда РАФ ва ГАЗ-31029 микроавтобусларини МДҲдаги энг паст нархларда сотади.

Ҳақ тўлаш исталган шаклда. Расмийлаштириш ҳақ олдиндан тўлангандан сўнг бир соат ичида амалга оширилади.

ТЕЛЕФОН; 56-79-02. 56-77-42.

Акмал Икромов туманидаги «Шарқ» кичик корхонаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади. Телефон: 45-41-05.

ХАЛҚАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН

Бугун биз Ўзбекистон шаҳарлари ва аҳоли пунктларининг халқаро кодларини эълон қилмоқдамиз. Жаҳоннинг турли мамлакатларда истиқомат қилувчи ишбилармон шерикларингиз, қариндош-уруғларингиз ва таниш-билишларингиз улардан фойдаланишлари мумкин.

Халқаро автомат телефон алоқаси бўйича қўнғироқ қилиш жуда осон. Хориждаги абонент, аввало, ўз мамлакатидаги халқаро станциянинг кўрсаткичи (индекси)ни териш керак. Шундан сўнг у ҳеч тўхтатмай чақирилаётган шаҳар ёки посёлканинг халқаро коди ва керакли телефон рақамини териши лозим.

Масалан, исталган бир мамлакатдан киндир Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрига қўнғироқ қилишни истайди. Зарафшон шаҳрининг халқаро коди — 743657, сизнинг телефонингиз эса 44289. Демак, Зарафшонга қўнғироқ қилиш учун 7 436 57 44289 рақамларини териш керак бўлади.

Барча халқаро кодлар олтита белгидан иборат. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг коди эса бешгадан. Бироқ қоида ўша-ўша. РАҚАМЛАР ТАНАФФУССИЗ ВА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҚЎШИМЧАЛАРСИЗ КЕТМА-КЕТ ТЕРИЛАДИ. Мисол учун: Тошкент шаҳрининг халқаро коди 7 371 2, сизнинг телефонингиз эса 338144. Демак, Тошкентга уланиш учун рақамлар қуйидаги тартибда терилади: 7 371 2 338144.

Самарқанд шаҳрининг халқаро коди 7 366 2 дан иборат. Сизнинг телефонингиз эса айтайлик — 331454 Демак, Самарқандни олиш учун: 7 366 2 3314 54 рақамлари терилади.

Қуйидаги рўйхатдан ўзингиз истиқомат қилаётган шаҳар ёки посёлканинг халқаро кодини топинг. Уларни ва телефонингизни хориждаги таниш-билишларингизга юборинг.

ЧЕТ ЭЛДАГИ ШЕРИКЛАРИНГИЗ СИЗЛАРГА ХАЛҚАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ТУФАЙЛИ ИСТАГАН ВАҚТДА, ОСОНЛИК БИЛАН ТЕЗ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛА ОЛАДИЛАР.

Маълумотлар учун телефон: 44-39-31.

Ўзбекистондаги шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг кодлари

7 374 76 Оқолтин (Андижон вилояти)
7 371 55 Оққўрғон (Тошкент вилояти)
7 361 42 Оқмангит (Қорақалпоғистон)
7 366 43 Оқтош (Самарқанд вилояти)
7 365 34 Олот (Бухоро вилояти)
7 371 61 Олмалиқ (Тошкент вилояти)
7 373 43 Олтиариқ (Фарғона вилояти)
7 374 35 Олтинкўл (Андижон вилояти)
7 376 31 Ангор (Сурхондарё вилояти)
7 371 66 Ангрен (Тошкент вилояти)

7 374 22 АНДИЖОН

7 371 64 Охангарон (Тошкент вилояти)
7 374 75 Охунбобоев (Андижон вилояти)
7 362 31 Боғот (Хоразм вилояти)
7 373 47 Бағдод (Фарғона вилояти)
7 376 33 Бойсун (Сурхондарё вилояти)
7 374 32 Баликчи (Андижон вилояти)
7 371 91 Бекобод (Тошкент вилояти)
7 361 52 Беруний (Қорақалпоғистон)
7 375 57 Бишкент (Қашқадарё вилояти)
7 436 56 Бешработ (Навоий вилояти)
7 374 33 Бўз (Андижон вилояти)
7 371 57 Бўка (Тошкент вилояти)
7 372 49 Бўстон (Жиззах вилояти)
7 361 58 Бўстон (Қорақалпоғистон)

7 365 22 БУХОРО

7 365 33 Вобкент (Бухоро вилояти)
7 367 33 Верхноволинский (Сирдарё вилояти)
7 373 35 Водил (Фарғона вилояти)
7 372 31 Гагарин (Жиззах вилояти)
7 371 74 Ғазалкент (Тошкент вилояти)
7 365 54 Галаосиё (Бухоро вилояти)
7 372 43 Ғаллаорол (Жиззах вилояти)
7 365 57 Ғиждувон (Бухоро вилояти)
7 375 55 Ғузор (Қашқадарё вилояти)
7 367 22 Гулистон (Сирдарё вилояти)
7 371 58 Гулбаҳор (Тошкент вилояти)
7 362 36 Гурлан (Хоразм вилояти)
7 373 57 Данғара (Фарғона вилояти)
7 376 41 Денов (Сурхондарё вилояти)
7 366 47 Жомбой (Самарқанд вилояти)
7 376 43 Жарқўрғон (Сурхондарё вилояти)
7 372 22 ЖИЗЗАХ

7 366 46 Жума (Самарқанд вилояти)
7 369 45 Жумашўй (Наманган вилояти)
7 367 32 Димитровское (Сирдарё вилояти)
7 362 30 Дружба (Хоразм вилояти)
7 372 33 Дўстлик (Жиззах вилояти)
7 365 58 Жондор(Бухоро вилояти)
7 372 39 Зомин (Жиззах вилояти)
7 436 57 Зарафшон (Навоий вилояти)
7 371 93 Зафар (Тошкент вилояти)
7 365 36 Зарафшон (Бухоро вилояти)
7 366 40 Зиёвуддин (Самарқанд вилояти)
7 366 62 Иштихон (Самарқанд вилояти)
7 365 52 Когон (Бухоро вилояти)
7 371 97 Калинин (Тошкент вилояти)
7 375 53 Қамаши (Қашқадарё вилояти)
7 436 51 Конимех (Навоий вилояти)
7 365 56 Қоракўл (Бухоро вилояти)
7 373 42 Қорақушчи (Фарғона вилояти)
7 361 46 Қораўзак (Қорақалпоғистон)
7 362 35 Қоровул (Хоразм вилояти)

7 436 53 Кармана (Навоий вилояти)

7 375 22 ҚАРШИ (Қашқадарё вилояти)

7 375 59 Косон (Қашқадарё вилояти)

7 369 65 Косонсой (Наманган вилояти)

7 366 45 Каттақўрғон (Самарқанд вилояти)

7 367 39 Қаҳрамон (Сирдарё вилояти)

7 361 41 Кегайли (Қорақалпоғистон)

7 371 96 Келес (Тошкент вилояти)

7 371 95 Қибрай (Тошкент вилояти)

7 375 54 Китоб (Қашқадарё вилояти)

7 373 55 Қўқон (Фарғона вилояти)

7 376 34 Комсомолобод (Сурхондарё вилояти)

7 362 32 Қўшкўпир (Хоразм вилояти)

7 366 44 Красногвардейск (Самарқанд вилояти)

7 371 75 Красногорск (Тошкент вилояти)

7 367 75 Крестьянское (Сирдарё вилояти)

7 373 31 Қува (Фарғона вилояти)

7 373 37 Қувасой (Фарғона вилояти)

7 374 37 Куйганёр (Андижон вилояти)

7 376 46 Қумқўрғон (Сурхондарё вилояти)

7 361 31 Қўнғирот (Қорақалпоғистон)

7 374 72 Қўрғонтепа (Андижон вилояти)

7 436 55 Қизилтепа (Навоий вилояти)

7 366 49 Лойиш (Самарқанд вилояти)

7 374 36 Ленинск (Андижон вилояти)

7 361 51 Манғит (Қорақалпоғистон)
7 373 33 Марғилон (Фарғона вилояти)
7 374 39 Марҳамат ,Андижон вилояти)
7 375 67 Муборак (Қашқадарё вилояти)
7 361 32 Мўйноқ (Қорақалпоғистон)
7 436 22 НАВОИЙ

7 369 22 НАМАНГАН

7 366 42 Нариманова (Самарқанд вилояти)
7 371 78 Нариманово(Тошкент вилояти)

7 361 22 НУКУС

7 436 52 Нурота (Навоий вилояти)
7 374 31 Пойтуг (Андижон вилояти)
7 366 41 Пайшанба (Самарқанд вилояти)
7 369 43 Поп (Наманган вилояти)
7 371 72 Паркент (Тошкент вилояти)
7 374 71 Пахтаобод (Андижон вилояти)
7 367 34 Пахтаобод (Сирдарё вилояти)

7 372 35 Пахтакор (Жиззах вилояти)

7 371 54 Пискент (Тошкент вилояти)

7 373 45 Риштон (Фарғона вилояти)

7 365 55 Ромитан (Бухоро вилояти)

7 366 2 САМАРҚАНД

7 367 31 Сардоба (Сирдарё вилояти)

7 374 73 Советобод (Андижон вилояти)

7 371 56 Солдатское (Тошкент вилояти)

7 367 35 Сирдарё (Сирдарё вилояти)

7 436 58 Талмдибулат (Навоий вилояти)

7 361 57 Тахиатош (Қорақалпоғистон)

7 361 43 Тахтакўпир (Қорақалпоғистон)

7 369 47 Тошбулоқ (Наманган вилояти)

7 371 2 ТОШКЕНТ

7 373 38 Тошлоқ (Фарғона вилояти)
7 376 22 ТЕРМИЗ (Сурхондарё вилояти)
7 371 76 Тўйтепа (Тошкент вилояти)
7 369 44 Тўрақўрғон (Наманган вилояти)
7 361 53 Тўрткўл (Қорақалпоғистон)
7 376 44 Узун (Сурхондарё вилояти)
7 369 48 Уйчи (Наманган вилояти)
7 375 64 Ульяновск (Қашқадарё вилояти)
7 362 22 УРГАНЧ (Хоразм вилояти)
7 366 48 Ургут (Самарқанд вилояти)
7 372 41 Усмат (Жиззах вилояти)
7 369 46 Учқўрғон (Наманган вилояти)
7 373 51 Учқўприк (Фарғона вилояти)
7 376 36 Учқизил (Сурхондарё вилояти)
7 367 36 Фарҳод (Сирдарё вилояти)

7 373 22 ФАРҒОНА

7 362 33 Ҳазорасп (Хоразм вилояти)
7 369 61 Ҳаққулобод (Наманган вилояти)
7 362 39 Хонқа (Хоразм вилояти)
7 371 94 Хасково (Тошкент вилояти)
7 362 37 Хива (Хоразм вилояти)
7 374 74 Хўжаобод (Андижон вилояти)
7 361 55 Хўжайли (Қорақалпоғистон)
7 361 33 Хўжанд (Қорақалпоғистон)
7 369 41 Чортоқ (Наманган вилояти)
7 361 44 Чимбой (Қорақалпоғистон)
7 373 63 Чимён (Фарғона вилояти)
7 371 59 Чиноз (Тошкент вилояти)
7 375 56 Чироқчи (Қашқадарё вилояти)
7 371 71 Чирчиқ (Тошкент вилояти)
7 369 42 Чуст — (Наманган вилояти)
7 362 34 Шовот (Хоразм вилояти)
7 365 50 Шофиркон (Бухоро вилояти)
7 375 52 Шаҳрисабз (Қашқадарё вилояти)
7 374 34 Шаҳрихон (Андижон вилояти)
7 376 32 Шеробод (Сурхондарё вилояти)
7 367 76 Ширин (Сирдарё вилояти)
7 361 34 Шуманай (Қорақалпоғистон)
7 376 45 Шўрчи (Қарлуқ) — (Сурхондарё вилояти)

7 373 41 Ёзёвон (Фарғона вилояти)
7 373 53 Яйпан (Фарғона вилояти)
7 375 65 Янги Миришкор (Қашқадарё вилояти)

7 375 51 Янги Нишон (Қашқадарё вилояти)

7 375 58 Яккабоғ (Қашқадарё вилояти)
7 367 38 Янгиобод (Сирдарё вилояти)
7 371 68 Янгиобод (Тошкент вилояти)
7 362 38 Янгиариқ (Хоразм вилояти)
7 371 98 Янгибозор (Тошкент вилояти)
7 362 41 Янгибозор (Хоразм вилояти)
7 365 35 Янгибозор (Бухоро вилояти)
7 367 37 Янгиер (Сирдарё вилояти)
7 372 45 Янгиқишлоқ (Жиззах вилояти)
7 369 63 Янгиқўрғон (Наманган вилояти)
7 373 52 Янгиқўрғон (Фарғона вилояти)
7 371 60 Янгийўл (Тошкент вилояти)
7 376 35 Янгийўл (Сурхондарё вилояти)

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ МАРКАЗИ.

РАСМИЙ ЖАДВАЛ

Ўзбекистон Республикаси барча жамғарма банклари ютуқли ҳиссаларининг 1993 йил 8 апрелда Самарқанд шаҳрида ўтказилган 101-тиражида қуйидаги рақамларга ютуқлар чиқди.

А—009	75%	(етмиш беш)	А—492	75%	(етмиш беш)
А—077	300%	(уч юз)	А—534	75%	(етмиш беш)
А—085	75%	(етмиш беш)	А—567	75%	(етмиш беш)
А—155	75%	(етмиш беш)	А—631	75%	(етмиш беш)
А—178	75%	(етмиш беш)	А—663	75%	(етмиш беш)
А—230	75%	(етмиш беш)	А—705	75%	(етмиш беш)
А—243	75%	(етмиш беш)	А—756	600%	(олти юз)
А—312	75%	(етмиш беш)	А—761	75%	(етмиш беш)
А—336	75%	(етмиш беш)	А—839	75%	(етмиш беш)
А—364	150%	(бир юз эллик)	А—852	75%	(етмиш беш)
			А—904	75%	(етмиш беш)
А—413	75%	(етмиш беш)	А—923	75%	(етмиш беш)
А—447	300%	(уч юз)	А—997	150%	(бир юз эллик)

Жамғарма банкларида ҳисоблар сони 1000 дан ортиқ. Қолган барча рақамларда ўша ҳисоб рақамларига ютуқлар чиқди, яъни биринчи 1000 ликдан бошлаб 009, 1009, 2009, ва ҳоказо 155, 1155, 2155, 3155 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиянинг раиси Самарқанд шаҳар Темирйўл район ҳокимининг ўринбосари

Д. МАҲМАДМУРОДОВ.

Тираж комиссиянинг масъул котиби

З. А. ТИНЧЕРОВ.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «МУНИС» МАРКАЗИ ЭКОЛОГИК ЖИҲАТДАН СОФ БЎЛГАН ҚИЧИҚ ҚАНД-ШАКАР ЗАВОДЛАРИГА ТЕХНОЛОГИЯ УСКУНАЛАРИ ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИ МОНТАЖЛАШ ВА ИШГА ТУШИРИШ-СОЗЛАШ ИШЛАРИ УЧУН БУЮРТМАЛАР МАЖМУИНИ ШАКЛЛАНТИРМОҚДА.

БУ КОРХОНА 1993, 1994 ВА 1995 ЙИЛЛАРНИНГ ҚАНД ЛАВЛАГИСИДАН БИР КЕЧА-КУНДУЗДА 5 ТОННА ҚАНД-ШАКАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛАДИ.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: 700107, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЧИЛОНЗОР ҚУЧАСИ, 85-УЙ. «ОПТИКА» ДЎКОНИНИНГ УНГ ТОМОНИДА ЖОЙЛАШГАН.

ТЕЛЕФОН: 77-49-57.

«НУР» ФИРМАСИ—БУ БУХГАЛТЕРЛАР ФИРМАСИДИР

Ҳурматли ҳамкасблар! Сиз бизнинг фирмамизда бухгалтер учун зарур бўлган барча нарсани: норматив-қўлланмавий адабиётни (бухгалтер энциклопедияси I, III, IV китоблар), бирламчи ҳужжатлар, журнал ордерлар ва ведомостлар (янги ҳисоб режаси бўйича) йиллик мажмуасини топасиз.

Бундан ташқари бу ерда Сиз зарур консультация олишингиз, «1993 йилда бухгалтерлик ҳисоби» семинарида қатнашишингиз, ўз корхонангизда қисқа муддатли семинарларни ўтказишга буюртма беришингиз мумкин.

Эслаб қолинг: «Нур» — бу Сизнинг фирмангиздир! Фирмамиз мижози бўлсангиз ўз молиянгиз ва бухгалтерлик ҳисоби учун хотиржам бўласиз.

Бизнинг реквизитлар: ҳисоб рақами 00644113, Тошкент шаҳар, Ўзавиабанкда, код 172648706, корр ҳисоби 700161406.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000 Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 39 а-уй, 31-хона. Телефон: 33-18-46 («Электроника» дўконининг рўпараси, банкнинг Ҳамза бўлими ёнидаги «Узстройтранс» биносида).

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари.

ҲОМИЙ: Шароф Рашидов фонди.

Нашр учун масъул

Т. ЭШБЕКОВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Бизнинг манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-57-19, 32-54-12, 32-54-14.

Индекс 75487.

ТАШКИЛОТ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ШЛАКАБЛОКЛАРНИ СОТАДИ

ҲАҚ ТЎЛАШ ИСТАЛГАН УСУЛДА. АЛОҚА УЧУН ТЕЛЕФОН: 48-36-62.

Ислом КАРИМОВ:

ЖИНОЯТЧИЛИК ҲАҚИДА ГАП КЕТАР ЭКАН, БУГУН «БИЗ БУ ИЛЛАТГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА УНДОҚ ҚИЛДИК, БУНДОҚ ҚИЛДИК!» ДЕЙДИГАНЛАР КЎПАЙДИ. БУ ГАПЛАР ЁЛҒОН. ТАШАББУС ПРЕЗИДЕНТДАН ЧИҚДИ. ХЎШ, НИМА УЧУН У ПРЕЗИДЕНТДАН ЧИҚИШИ КЕРАК? ЖОЙЛАРДАГИ МУТАСАДДИ ЎРТОҚЛАР НИМА ҚИЛИБ ЎТИРИБДИ? ҲАР КИМ ЎЗ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШИ, ХАЛҚ ОЛДИДАГИ БУРЧИНИ АДО ЭТИШИ, НОНИНИ ҲАЛОЛЛАБ ЕЙИШИ КЕРАК ЭМАСМИ?

ЖАМИЯТ-ЖИНОЯТ-ҚОНУН

Қонунчилик ва давр

ЖИНОЯТЧИ БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИЛАР

Республикамизда мустақиллик пойдеври қўйилаётган ҳозирги пайтда қонунлар ижросини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Шунинг учун Президентимиз Ислом Каримов жиноятчиликка қарши кураш давримизнинг энг долзарб вазифаси эканлигини алоҳида таъкидламоқда. Бу эса қонун муҳофазаси ходимларига катта мадад ва ёрдам бўлаётир.

Жамиятда қарор топаётган янгича муносабатлар, халқ хўжалигидаги ўзгаришлар кутилмаган ҳолатларни юзага келтирмоқда. Очиғи, бундай пайтда қонунларимизнинг камчилиги, қусури ҳам сезилиб қолаётир.

Бозор муносабатларига ўтилаётган бир пайтда, айниқса, иқтисодга оид баъзи қонунлар ижроси бизни қониқтирмаётир. Аввалламбор, бу соҳада қонунлар такомиллаштирилиши керак. Бундан ташқари, айрим жойларда интизомнинг сусайиши хўжалик юритиш тизимидаги номутаносибликлар, таъминотдаги узилишлар иқтисодий муносабатларни бир мунча чигаллаштириб юборди. Айрим корхона, хўжалик, ташкилот раҳбарлари эса иқтисодиётдаги эркинликни нотўғри англаб, қонун бузилишига масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Натижада давлат ва жамоат мулкига зарар етказиш миқдори камаймаяпти.

Жумладан, Самарқанд қандолатчилик фабрикасида текшириш ўтказилганда камомад ва қонунсиз харажатлар борлиги аниқланди. Дебитор қарзлар ундириш ўлда-жўлда. Ёки яна бир мисол. Темирйўл районидаги 8175-омонат кассаси катта инспектори Фирдавс Борисовна Раҳмонқулова қурилиш материаллари комбинати ишчиси Николай Сальников билан тил бириктириб, омонат дафтарчасидаги жамғарма миқдорини ўзгартириб, катта миқдорда пул ўзлаштирганлар. Раҳмонқулова эса Сальников номига расмийлаштирилган ҳужжатлар изини йўқотган. Мўмай пул топишга ҳирс қўйган ҳамтовоқлар бу ишни бир неча бор такрорлашган.

Вилоят прокуратураси меҳнат, ижара тўғрисидаги қонунлар ижросини алоҳида ўрганиб, бу борада аниқланган камчиликларни тегишли идоралар раҳбарлари эътиборига ҳавола этаётир.

Текшириш жараёнида уй-жой қонунчилиги ижросида ҳам камчиликлар борлиги аниқланди. «Самарқандхимстрой» тресті гарчи яшаш шароити яхши бўлса-да, бу идорага алоқаси йўқ Сожида Солиевага сохта ҳужжатлар асосида квартира берган. Собиқ Темирйўл райони ижроқўми уйсозлик комбинати ишчиси К. Акрамовга икки хонали квартира ажратган. Ваҳолонки, сал илгари собиқ Боғишамол район ижроқўми унинг турмуш ўртоғи Е. Акромовага беш хонали уй берган экан. Турар-жойларни хусусийлаштириш борасида ҳам кўпгина қонунбузарликлар борлиги аниқланди.

Бизнингча, нарх-наводаги беқарорлик, бунинг устига баъзи бошқарув ҳамда маъмурий органлар фаолиятидаги камчиликлар жиноятларнинг кўпайишига сабаб бўлаётир. Маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, бултур 1991 йилдагига қараганда вилоятда жиноят содир қилиш 4,3 фоизга кўпайган. Бу кўрсаткич Иштихон, Нуробод, Булунғур ва Нарпай районларида янада баланд.

Яшириб нима қиламиз: жамоатчиликнинг лоқайдлиги, бунинг устига терговчиларнинг уқувсизлиги туфайли ўтган йили содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятларининг 11 таси очилмасдан қолди.

Кейинги пайтда вилоят ички ишлар бошқармаси миллий хавфсизлик бўлими билан ҳамкорликда уюшган жиноятчиликка қарши қатор тадбирларни амалга оширди. Жойларда ин қуриб олган ўндан зиёд гуруҳ ва уларнинг ашаддий бошлиқлари қўлга олинди. Жиноятчиларга мойиллик билдириб келган шахсларнинг уйлари ҳам тинтув қилинди. Натижада улар уйларидан учта тўппонча, битта қўлбола жанговар қурол, 6 та милтиқ ва бошқа кўплаб ғайри-қонуний қуроллар, 20 килограмм наркотик модда, 30 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари топилди.

Самарқанддаги кичик корхоналардан бирининг раҳбари уйида 30 грамм наша, қора ниқоб, 36 та ўқ, 2 та қўшоғиз милтиқ сақлаётган экан. Бу «раҳбар» маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланиш ўрнига нима учун қурол сақлаганлигини тергов органларига тушунтириб беради, албатта.

Болалар спорт мактаби тренерининг уйида «Валтер» тўппончаси, Англияда чиқарилган револьвер, 40 дона патрон бор экан. Наҳотки, қурол билан шуғулланиш ҳам спорт турига кирса!

Терговчиларимиз Оқдарёлик Наби исмли шахсдан нима учун уйида 65 қоп унни, ургутлик савдо ходимидан эса 65 қоп гуручни, каттақўрғонлик бир экспедитор 2939 дона шиша арақни ноқонуний сақлаганини аниқладилар.

Шуни айтиш кераки, уюшган жиноятчиликка қарши кураш баъзилар ўйлаганидек мавсумий эмас. Чунки, ҳар бир воқеа бўйича очилган ишлар алоҳида назорат қилинмоқда. Бу ишга муассасалар, ташкилотлар, кенг жамоатчилик жалб қилинмоқда.

Кўрилган чоралар натижасида тергов жараёнида бироз ижобий натижаларга эришилди. Бироқ, тан олиш керакки, ҳуқуқ органлари фаолиятидан ҳозирча кўпчиликнинг кўнгли тўлмаяпти. Шунинг учун тергов жараёнини янада такомиллаштириш устида ишлаяпмиз. Вақти-вақти билан ёш терговчилар учун амалий семинарлар уюштирмоқдамиз. Терговдаги камчиликлар кенгайтирилган йиғилишларда муҳокама этилаётир, уларни бартараф этиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқаяпмиз.

Гарчи барчамизга таниш бўлса-да, «Жиноятни жазолашдан кўра унинг олдини олиш муҳимроқдир» деган ақидани такроран айтмоқчиман. Чунки мустақиллик сари дадил қадам қўйилаётган бир пайтда жамиятнинг барқарорлиги, осойишталиги сув билан ҳаводек зарур. Шундай экан, қонунлар ижросини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак, деб ўйлайман.

Қонун олдида ҳамма баробар.

Тугал РАЖАБОВ,
Самарқанд вилояти прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

«ҲОЖАТБАРОР»

ЧАЙҚОВЧИЛАР

Газетангизнинг 16 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остидаги танқидий мақола айни муддао бўлган. Ахир дорихоналардан керакли малҳамни тополмай қачонгача сарсон бўламиз. Тунов куни набирамга дори излаб битта калишни йиртдим. Охири ўша «Ҳожатбарор чайқовчилар»дан бир неча баробар қимматга топдим...

Ачинасан киши, ахир қачонгача чайқовчи-ҳожатбарорлар «фаолият» кўрсатади?

С. МАМАТЖОНОВ,
Наманган вилояти Тўрақўрғон райони Ертепа қишлоқ Кенгаши.

ДОРИФУРУШЛАР

Дўстлик районидаги 29-дорихона ходими Ш. Қулматов хонадони тинтув қилинганида 187 хил, жами 250 минг сўмлик дори-дармон беркитиб қўйилгани маълум бўлди. Улар орасида махсус ҳисоб-китоб билан бериладиганлари ҳам бор.

Шу дорихона бош ҳисобчиси Галина Малиева ҳам «Хайрли ишдан» четда қолмай, 60 минг сўмлик турли ноёб дори-дармон ва тиббиёт буюмларини яшириб қўйибди.

Зомин районининг Туркман қишлоғида жойлашган 71-дорихона мудири Ҳуснидцин Зикриёевнинг уйи тинтув қилинганида, 25 минг сўмлик дори-дармон чиқди.

Энди жавоб беришга тўғри келади. Текин томоқ тешиб чиқади-да!..

• СУРАТЛИ ЛАВҲА •







Термиз шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари жиноятчиликка қарши курашнинг самарали усулларидан кенг фойдаланишмоқда. Содир этилган жиноят ҳақида ўз вақтида хабар берилса, унга алоқадор далилларни аниқлаш, жиноятни очиш бир мунча осон кечади. Бироқ, қочиб кетган жиноятчининг изига тушиш, жиноятни қисқа фурсатда очиш учун етарли малака ва тажриба зарур. Шаҳар ички ишлар бўлими маъмурияти ана шундай малакали ва маҳоратли кадрларни танлаб, жой-жойига қўя олди. Оператив ходимлар штати кўпайтирилди. Замонавий транспорт, техника ва алоқа воситалари билан таъминланди. Шу боис содир этилган жиноятларни очиш миқдори аввалги йилларга қараганда кескин кўпайди. Шаҳар ички ишлар бўлими шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 85 та жиноят содир этилганлигини рўйхатга олди ва унинг деярли 100 фоизини ўз вақтида очди. Шу давр мобайнида тўртта йирик уюшган жиноий гуруҳ қўлга туширилди.

Жиноятчиликнинг пайини қирқиш, унинг олдини олиш ва меҳнат аҳлининг тинч, осойишта яшаб, ишлашини таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ижтимоий меҳнатдан қочиб, қинғир йўлга кирганларнинг таноби тортилаётир. Бу борада Термиз шаҳар аҳли ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари яқиндан ёрдам бераётир.

СУРАТЛАРДА: Термиз шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари Баҳриддин Аҳатов ва Бахтиёр Ғаниевлар жиноятчилардан тортиб олинган қуролларни, милиция лейтенанти Эшмамат Худойқулов билан катта лейтенант Зафар Музаффаровлар эса улардан мусодара этилган камёб молларни рўйхатга олишаётган пайт акс эттирилган. Жиноятни очиш белгиланган тезкор тадбир сифатига нечоғлик боғлиқ эканлигини кичик сержант Ғайриддин Жавлонов яхши билади.

И. ХЎЖАЕВ фотоси. (ЎзА).

ФАРҒОНАДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Фарғона вилоятида ички ишлар бошқармаси ходимлари яна бир уюшган жиноятчилар гуруҳини қўлга олди. Етти нафардан иборат мазкур гуруҳга Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «Кўкча» дарвоза даҳасида яшовчи, жазо муддатини 1991 йилда тамомлаган 23 ёшли Зуфар исмли йигит бошчилик қилган. У Марғилон ва Фарғона шаҳарларида яшовчи беш нафар ўспирин ва С. исмли қиз билан тил бириктириб, ҳеч қаерда ишламасдан рэкет билан шуғулланган. Жумладан, бу гуруҳ аъзолари вилоят ҳарбий комиссариати ёнида жойлашган тижорат дўкони сотувчисини қўрқитиб, 73 минг сўм пул ва 141 минг сўмлик турли молни ўмарганлар. Жиноятни амалга оширишда Марғилон шаҳар таксопаркига қарашли давлат рақами 47-88 ФЕМ енгил машинасидан фойдаланишган.

— Шу йилнинг икки ойи мобайнида 60 дан ортиқ уюшган жиноятчилар гуруҳини қўлга олдик, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлимининг бошлиғи, милиция майори Халилжон Ҳазратқулов. — Улар босқинчилик, қотиллик, машина ўғирлаш, талончилик каби 200 дан зиёд турли оғир жиноятлар содир этган. Жиноий гуруҳлардан 14 та ўқ отар қурол, 12 килограмм афюн моддаси ва бошқа буюмлар тортиб олинди. Уларга тегишли бўлган 18 та машина, миллион сўмликка яқин мол-мулк мусодара қилинди. Бу кимсалар қилмишига яраша жазоланади. Айниқса, азиз болажонларимизни ўғирлаб, бойлик орттирмоқчи бўлган шахсларга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмайди.

ЎзА мухбири.

ДИНДОР НИҚОБИДАГИ ҚОТИЛ

Нишон районидаги «Нишон» давлат наслчилик заводининг «Қизил Эшқурвон» яйловида мудҳиш қотиллик юз берди. Шу йилнинг 30 январида содир этилган бу воқеа оғиздан-оғизга ўтиб, кўпчиликка тарқалди. Воқеа шундай бўлган: наслчилик заводи фаолларидан Шербой Аҳмедов чўпонлардан хабар олгани келганда қонга беланиб ётган кекса қўйчивон Файзулла бобо Панжиевга кўзи тушди.

Энди қотилни топиш керак эди. У ким бўлиши мумкин? Яқинда давлат наслчилик заводининг 1-фермаси бош чўпони Ҳасан Назаровга ёлланган Нурмуҳаммад Шермуҳаммедовни Ф. Панжиев ўз отарига ёрдамчи чўпон қилиб олганди. Ҳар ойда бир қўй ва минг сўм пул беришга ўзаро келишганди.

Янги ёрдамчи чўпоннинг беш вақт номозни канда қилмаётганини яйловдагилар кўриб, ҳавас қилишганди. Баъзилар «Сиз ўзи қаердансиз», деб сўрашса кўзига ёш олиб, йиғлашга тушарди.

— Кўлобданман. Уйимга бомба тушиб, хотин, бола-чақа, ота-онам, ҳамма ҳужжатларим ёниб кетган...

Тергов жараёнида Нурмуҳаммаднинг шахси текширилди. 1992 йилнинг 7 октябридан Нишон пахта тозалаш заводининг қабул пунктига шахсини тасдиқловчи бирорта ҳам ҳужжати бўлмаса-да корхона директори Исмоил Абдураҳмонов, кадрлар бўлими бошлиғи Ширин Обидовалар «вақтинча ишчи» дея унга мурувват кўрсатиб, ишга қабул қилишганди. Унинг фирибгарона кўз ёшлари кўнгилларни эритган бўлса ажабмас.

Нурмуҳаммад ўзини ўта диндор, номозхон қилиб кўрсатарди. Завод ётоқхонасида одамлар кўз ўнгида номоз ўқир, диний мавзуда сўзлашдан сира тўхтамасди. Аммо шахси ҳақида оғиз очилса...

У бирор милиция ходимини кўрса дарров типирчилаб қоларди. Кўринмасликка, кўздан ғойиб бўлиш пайига тушарди. Ажабланарли томони шундаки, завод маъмурияти томонидан тўлғазилган шахсий варақада Н. Шермуҳаммедов 1965 йилда Тожикистон ССР, Кўлоб районида туғилган, миллати ўзбек, ҳатто вақтинчалик паспорти бор, деб кўрсатилган. Кўнгилчанлик ҳам шунчалик бўлади-да.

Энди гапнинг бу ёғини эшитинг. Наслчилик заводи бош чўпони Ҳасан Назаров аввалига, яъни 1992 йилнинг 2 декабридан 1993 йилнинг 8 январигача Нурмуҳаммадни ёллаб қўй боқтирган, хўжалик маъмуриятига билдирмай ҳар ойда битта қўй бериш шарти билан уни отарида сақлаб келган. Кунлардан бир кун Ҳасан Назаров нимадандир ҳадиксираб Нурмуҳаммаднинг жавобини бермоқчи бўлиб, «Мен бошқа ёрдамчи чўпон топдим», деб қолади. Нурмуҳаммад ҳам бўш келмай ойнинг охиригача ишлашини, кейин кетишини таъкидлаган. Айни шу пайт Файзулло бобо Панжиев ўзига ёрдамчи чўпон қидириб юрган эди. Унга хабар қилингач, Нурмуҳаммадни отарига ишга олади.

Шундай қилиб, Файзулло бобонинг доимо олиб юрадиган қўш оғизли милтиғи, ўқдорилари, пули борлиги, лекин бу нарсалар йўқолганлиги ҳам маълум бўлди. «Бу ўшанинг иши» дейишди қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқшунослар. Шундан сўнг кимлиги ноаниқ ҳатто, бир дона фотосурати ҳам бўлмаган Нурмуҳаммад кекса чўпоннинг қотили, деган тахминга келинди. Йўллар назоратга олинди. Қидирувга киришилди.

Ниҳоят, 1993 йилнинг 4 февраль куни эрталаб Толлимаржон ГРЭСи атрофидаги яйловда ёлғиз шошиб-пишиб келаётган киши гумондор қаторида ушланди. У Файзулло Панжиев фарзандларига кўрастилганда бу киши отасининг ёрдамчи чўпони эканлиги маълум бўлди. Унинг енгларида қоннинг доғлари кўриниб турарди.

Қотилликда гумон қилинган Нурмуҳаммад сўроқда ростини айтишга мажбур бўлди. У Шермуҳаммедов эмас, аслида Искандар Холназаров эканлигини, кекса чўпонни пичоқлаб ўлдирганлигини, унинг икки минг сўм атрофида пули, ов милтиғи, ўқ-дориларини олиб, чангалзорларда яшириниб юрганлигини, ўмарган нарсаларини бекитиб қўйганлигини очиқ тан олди.

Искандар Холназаров 1966 йилда туғилган. Миллати тожик, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё районидаги «Ўзбекистон» колхози «Ташкилот» участкасида яшаб, райондаги марказий иситиш қозонхонасида ишчи бўлиб ишлаган. Оиласида 73 ёшли ногирон отаси, онаси ва турмуш ўртоғи бор.

У муқаддам ҳам оғир жиноятга қўл урган. Аниқроғи, ўтган йилнинг 28 сентябрь куни қўшниси Эшмурод Мирзаев ва унинг ўғли бошига совуқ қурол билан туширган. Кейин бир неча кун Сариосиё районидаги узумзорларда яшириниб юрган. Кимнингдир маслаҳати билан Нишон пахта тозалаш заводига келиб фамилиясини, исми, туғилган жойини бошқача номлаб, кўпчиликни лақиллатган.

Ўзини ўта номозхон, ювошгина киши қилиб кўрсатган Искандар Холназаров яна қонсираб қолди. У «Мени ҳақорат қилдинг», деган важ билан бегуноҳ кекса чўпонга ёпишади. Нон кесадиган пичоқ билан Файзулло бобонинг танига санчади. Бу ҳам етмаганидек унинг ёнидаги пичоғини тортиб олиб, бобонинг бўйнига уради.

Мақолага сўнгги нуқта қўяр эканмиз, айрим маъмурий орган ходимларининг совуққонлик ва лоқайдлик билан иш тутганликлари тузатиб бўлмас хунук оқибатларга олиб келаётганлигини айтмоқчимиз. Агар Сурхондарё вилоятининг Сариосиё райони ички ишлар бўлими раҳбарлари ўз вақтида қотилни қидириш юзасидан мамлакат бўйича қидирув эълон қилганларида, эҳтимол иккинчи мудҳиш жиноят қилишга улгурмаган бўлармиди?

Самандар РАҲИМОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси терговчиси, адлия кичик маслаҳатчиси.
Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФИДОЙИЛАРГА МУКОФОТЛАР



Тошкент шаҳар Юнусобод районидаги «Биринчи отчопар» маҳалла комитети идораси ҳовлисида шу йил 11 март куни Чита кўчасида юз берган воқеа қаҳрамонларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

Кутаиси шаҳридан келган хавфли жиноятчини қўлга олиш операциясида фаол қатнашиб, жасурлик ва фидойилик кўрсатганликлари учун шаҳар 7-таксопарки ҳайдовчиси Асил Ашрапхўжаев, Юнусобод районидаги 117-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Баҳром Рихсиев, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими милиция лейтенанти Абдусамат Ғуломов, маҳалла фаоли Собит Солиҳов ва Абдуқодир Ғуломовлар магнитафон, музлатгич, фотоаппарат, радиоқабулқилгич ва ҳар бири 3000 сўм миқдорида пул мукофотлари билан тақдирландилар, шунингдек, улар эсдалик совға ва қимматбаҳо буюмлар билан ҳам мукофотландилар.

Шундай қаҳрамонларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарига, маҳалла аҳли ва жамоа аъзоларига миннатдорчилик изҳор этилди. Бугунги кунда жиноятчиликка қарши кураш ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининггина иши бўлиб қолмай, балки бутун жамоатчилик ишига айланиб бораётганлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

О. МАҲМАЮСУПОВ.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи К. Ғофуров мукофотларни топшираётган лаҳза акс эттирилган.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

МУРҒАКЛАР НЕГА НОБУД БЎЛИШДИ?

Фарзанд ота-онанинг кўзи-қораси Шундай экан, инсон ҳаётда болам-чақам дея ҳаракат қилади. Озгина эътибордан қочирилса, бахтсизлик юз бериб, кейин афсус чекиш бефойда.

Бувайда районидаги Бувайда қишлоғида истиқомат қилувчи Жўраевлар бошига тушган мусибат ҳар қандай бағритош одамни ҳам қайғуга солиши аниқ. Бу хонадонда қаровсиз қолдирилган — бири 7, 6 ва яна бири 3 ёшли гўдаклар сандал алангасидан чиққан ёнғин ва унинг заҳарли тутуни «чангали» қурбони бўлдилар.

Оҳангарон райони Эйвалек қўрғончасидаги 8-уйнинг 43-хонадонида юз берган мудҳиш ҳодиса ҳам ташвишлидир. Бу хонадонда икки гўдак иситиш асбобини ўйнаган. Тилсиз ёв — электр симлари туташуви оқибатида аланга чиққан. Хона тутунга тўлган. Мурғак Саша заҳарланиб нобуд бўлган, унинг акаси беҳуш шифохонага олиб борилган. Шунингдек, Фарғона шаҳрининг Охунбобоев мавзесидаги Абдулла Қодирий кўчаси 25-уйда мурғак бола гугурт ўйнаб ёнғин содир этган. Натижада бу хонадонда ҳам икки гўдак нобуд бўлган.

Бундан ташқари, Кўқон шаҳри Янгидеҳқон кўчаси 31-уйда юз берган алангада ҳам бир гўдак офатнинг қурбони бўлди.

Жабрланган оилаларга ачинамиз ва айни чоғда ўта беparво ота-оналарни эҳтиёткорлик ҳамда сезгирликка чақирамиз.

Р. ЖЎРАЕВ.

ҚАМОҚХОНАДАГИ ФОЖИА



Умар Ҳайём ўз рубоийларидан бирида инсон умрини чивин умрига қиёслайди. Инсон бу дунёга чивиндек келади-ю, кетади, дейди. Нисбатан олганда буюк аллома ҳақ. Лекин ҳар бир инсон ана шу қисқа умри мобайнида эзгулик уруғини она заминга қадаб кета оладими? Худо берган умридан оқилона фойдаланадими?

Умрлар борки, ялт этади-ю, тарих саҳифаларида қолади. Умрлар борки, беиз кетади.

...Ички ишлар хизмати лейтенанти М. Алимов ҳам катта ҳаётга энди қадам қўйиб, элюрт, осойишталигини сақлашга, жамиятни жиноятчилардан тозалашга бел боғлаган эди. Милиция мактабини тугаллагач, аҳлоқ тузатиш меҳнат колонияларидан бирига ишга келди. У бу ерда судланганларни қайта тарбиялаш билан шуғулланар эди.

Колонияда ишлаш, айниқса тарбияси қийин бўлганлар билан ишлаш, бунинг устига жиноят қилиб қамоққа боз-боз тушганлар тарбияси билан машғул бўлиш осон иш эмас. Уни бу юракдан ҳис этарди. Лекин...

Дастлаб қамоққа тушганлар бу ерни «курорт» деб ўйлайдилар. Аслида бу жойнинг оғир тошу тарозиси бор. Ҳамма ҳам аҳлоқ-тузатиш меҳнат колониясидаги тарбия жараёнига чидайвермайди.

Кунлардан бирида шундай бўлди. Икки марта судланиб, «ўтириб чиққан» Дмитрий Канаков тавбасига таянмади. Қамоқхонанинг ўзида яна жиноятга қўл урди. Ҳамтовоғи С. Зиновьев билан жиноий тил бириктириб, тарбиячиларга қарши исён кўтариб, уларнинг попугини пасайтириб қўймоқчи бўлишди. Эгри таёқ билан тўғри таёқ кўтарганни урмоқчи бўлди. Буни қарангки, эркинликда оғирнинг усти, енгилнинг таги билан юрганлар ва бу ернинг об-ҳавосига дош беролмаётганлар жиноий фикрга дарҳол қўшилдилар. Қамоқ муддатини ўтаётган С. Самоквасов, В. Киба, И. Ҳамроев, А. Шарипов, И. Юдин, В. Цой, С. Абдуллаев, А. Чернишев, М. Розиқов, В. Ле, Д. Долинский ва С. Падалевлар икки «йўл бошловчи»га жон-жон деб эргашдилар.

Канаков, Зиновьев Самоквасов, В. Киба, И. Ҳамроев, А. Шарипов, И. Юдин, В. Цой, Рбеев ўзларининг жиноий ишини амалга ошириш мақсадида ярим тунда тўпландилар. Йўлакда навбатчи-тарбиячи. М. Алимов ўз хизмат вазифасини ўтаётган эди. У қандайдир шарпани сезгач, «Стас, бу сенмисан?» деб сўради. Аммо саволига жавоб бўлмади. Ним қоронғу хонага Ҳамроев билан Зиновьев кетма-кет отилиб киради. Шу пайт Зиновьев Алимовнинг кўкрагига оёқ билан тепади. Кутилмаган зарбадан Алимов тош ойна устига қулайди. Самоквасов, Шарипов, Киба, Юдин, Цой, Рбеев, Канаков йўлакда «ҳужумкорлар» ҳаракатига раҳбарлик қилиб туришади. Рбеев қоронғу хонани бир неча гугурт донаси ёқиб ёритади. Алимов дарҳол ўрнидан туриб, каравотга чиқиб олиб, ўзини ҳимоя қила бошлайди. Зиновьев эса яна уни ушлаб, оғзига латта тиқади. Самаквасов эса Алимовнинг бўйнига шимининг тасмасини ташлаб, бўға бошлайди. Қолганлар уни ерга ётқизиб, оёқ қўлини маҳкам боғлашади. Алимов бошқа тарбиячиларни қанчалик ёрдамга чақиришга ҳаракат қилмасин, овози нари чиқмайди. Бироз ўтгач, у бутунлай нафас олмай қўяди...

Исёнчи-жиноятчилар яна икки тарбиячини жароҳатлашади. Лекин бу иш узоққа чўзилмайди. Улар колония навбатчилари ва фаоллари томонидан қўлга олинадилар.

Лекин бир йигитнинг умри хазон бўлди...

Жиноятчилар эса... яна ўз қилмишига яраша устма-уст жазо олдилар. Тошкент вилояти судининг аъзоси А. Эшмаҳаматов раислигида бу жиноий иш кўриб чиқилди. Кўчма суд ҳайъати қамоқдаги исёнчиларнинг ҳаммасини 9—10 йилдан озодликдан маҳрум этди. «Қилмиш-қидириш» деб шунга айтадилар-да!

Т. ТОШЕВ,
А. ПЎЛАТОВ,

СУРАТДА: қамоқхонадаги исён қурбони ички хизмат лейтенанти М. Алимов. Унинг порлоқ хотираси дўстлари, ҳамкасблари қалбида абадий яшайди.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 19. IV

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун фильм.
18.40 «Оламни асранг».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 «Учрашув». «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигига.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 «Назм ва наво». Нодира таваллудининг 200 йиллигига.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Қаҳрамонлик мадҳи». Тўхтасин Аҳмедов ҳақида телеочерк.
21.55 «Қўшиқ рақсга уланса». Мусиқий кўрсатув.
22.35 «Қонунчилик ва мустақилликни ривожлантириш».
23.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Сўғдиёна» [Жиззах]—«Пахтакор» [ёзиб олинган].
00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Муҳаббат тароналари». Фильм-концерт.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 «Соғлом авлод учун». Бевосита мулоқот.
20.40 «Йўлингиз бехатар бўлсин».
21.00 «Лаҳза». Хабарлар.
21.15 «Фақат қизлар учун» [такрор.].
22.10 «Лаҳза». Хабарлар.
22.25 «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 19 апрель куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 17.00 дан, «Дубль IV» кўрсатувлари соат 18.20 дан намойиш этилади.

● «ОРБИТА IV»

17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Салом, менинг қадрдонларим» кўрсатувини таништиради.
17.55 «Мулкдор алифбоси».
18.10 «Гол».
18.40 Ҳафтанинг акс садоси.
19.10 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 10-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 11-серия.
20.55 «Спорт уик-энди».
«Янги студия» таништиради:
21.10 «Бомонд».
21.50 «АТВ-брокер».
22.00 «Вибор-2000».
23.35 «ТВ-галерея».
23.55 «Мегамикс». Танаффус пайтида [23.00] — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

17.00 — 18.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 Турк тили дарси.
17.30 Хабарлар.
17.40 Мусиқий дақиқалар.
18.00 Концерт.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 «Ҳақиқат онлари». А. Караулов саволларига адвокат А. Макаров жавоб беради.
19.15 «Экспомарказ» таништиради.
19.20 «Динозавр бўлмайлик».
19.35 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «Ифлос пуллар». «Криминал ҳодисалар» туркумидан.
20.30 «Ксюша ҳузурида».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Сатирикон» студияси. «Кўршапалак» меҳмонларни қабул қилади.

Сешанба, 20. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекитон» ахбороти.
7.30 «Томоша». Фильм-концерт.
8.00 «Лев Толстой». Бадиий фильм. 1-серия.
9.15 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.45 «Ёшлик» студияси. «Уй бекаларига маслаҳатлар».
10.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.50 «Тадбиркор».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 «Спортлото».
20.00 «Нодир хазина». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Республика ёш мақомчилар танловининг ғолиби Хуршида Ўрунова концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Устозни ёд этиб». Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига.
22.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» [Наманган] — «Нефтчи» [Фарғона]. Ёзиб олинган.
23.00 «Зудов, ишдан бўшатилдингиз». Бадиий фильм.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестри ижро этади.
20.30 «Бу оқшомда».
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Ассалом, оппоқ ой!». Читадан кўрсатилади.
8.30 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.15 «Гол».
9.45 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 10 ва 11-сериялар.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
13.45 Мультфильм.

*

14.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
14.40 «Конверсия ва бозор».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 Мультфильмлар.
15.35 «Стартинэйджер».
16.15 «Технодром».
16.25 Мультфильм.
17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.25 Ф. Шуберт. 1-симфония.
17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.40 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 Долзарб интервью.
20.55 «Мосфильм» киностудиясининг 70 йиллигига. «Хотима». Бадиий фильм.
22.45 «Матбуот-экспресс».
23.00 Янгиликлар.
23.35 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция — Канада терма командалари. Германиядан кўрсатилади.
01.35 «Сиёсат» студияси таништиради. «Кузатувчилар ва референдум».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Мультфильмлар.
8.15 «Ҳақиқат онлари».
9.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим».
9.25 «Бола тилидан».
9.55 «Халқ фраки».
10.50 «Параллеллар».
11.10 Хонаки экран. «Ўлим унчалик қўрқинчли эмас». Бадиий фильм.
12.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 «Кечки салон» саҳифаларида.
14.40 «Телебиржа».
15.10 Янгиликлар.
15.25 «Рост» студияси. «Эски тегирмон».
15.55 Трансросэфир. «Аҳволлар қандай, Уфа?».
16.40 Мультфильм.
16.50 Спорт кўрсатуви.

*

17.00—19.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 Турк тили дарси.
17.30 Хабарлар.
17.40 «Сезам» кўчаси.
18.10 Мусиқий дақиқалар.
18.30 Хабарлар.
18.40 Экранда турк киноси.

*

19.45 «Уй қуриш бизга ҳеч гап эмас».
20.00 «Экспомарказ» таништиради.
20.05 Хонаки экран. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 156-серия.

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.45 «Мусиқий синов». Ёш эстрада хонандаларининг танлови.

Чоршанба, 21. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Шермат Файзуллаев куйлайди». Фильм-концерт.
8.00 «Лев Толстой». Бадиий фильм. 2-серия.
9.25 Турк тили.
9.55 «Ёшлик» студияси. «Баҳор тароватии».
10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фан уфқлари».
18.40 «Элга хизмат».
19.10 «Арча, тандир, олов». Телефильм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 «Осойишталик посбонлари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Ўзбекистон — қадрдон юртим. Руслар». 1-фильм.
22.35 Жумҳурият газеталарининг шарҳи.
22.45 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Суҳбатга чорлаймиз».
19.10 «Спринт».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 «Билим сарчашмалари».
20.20 «Микрофон».
20.50 «Ҳамжиҳатлик».
21.35 «Кинотриада».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Тингланг, томоша қилинг».
8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.30 Диний кўрсатув.
10.00 «Янги авлод танлайди».
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар.

*

14.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 Мультфильмлар.
15.40 «Янги номлар».
16.20 «Клуб-700».
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.25 «Сиёсат» студияси таништиради.
18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Кинопанорама».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Сиёсат» студияси таништиради.
20.55 «Тиллар оламни кашф этади».
21.05 Телевизион бадиий фильм.
22.10 «Талаб қилинган кино».
22.40 Шеърият альбоми.
23.00 Янгиликлар.
23.35 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Глазго рейнджерс» [Шотландия] —МАСК. Шотландиядан олиб кўрсатилади.
01.20 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Аз есмь».
8.25 «Ксюша ҳузурида».
8.55 «Санкт-Петербург балети».
9.40 «Мусиқий синов». Ёш эстрада хонандаларининг танлови.
10.40 Мультфильм.
10.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
11.05 Хонаки экран. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 156-серия.
11.55 «Катта жанжал».
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Кундузги сеанс. «Шаҳарлик қиз». Бадиий фильм. Свердловск киностудиясининг 50 йиллигига.
14.15 «Агар сиз..».
14.45 «Бизнес: янги номлар».
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
15.45 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.30 Христианлар учун кўрсатув.

*

17.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 Турк тили дарси.
17.30 Хабарлар.
17.40 «Сезам» кўчаси.
18.10 Туркиядан мактублар.
18.30 Хабарлар.
18.40 Концерт.

*

19.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 157-серия.
19.55 Криминал хабарлар экрани.
20.05 «Нота бене». «Ленинизм сабоқлари».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Нижегород отўйини» фестивалининг очилиши.
23.10 «Зоопарк» гуруҳидаги Майк».
00.10 Баскетбол шарҳи.

Пайшанба, 22. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Юртимнинг азиз сиймолари». Телефильм.
8.05 «Бир лаҳзалик қўрқув». Бадиий фильм.
9.30 Араб тили.
10.00 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиёти. Зулфия лирикаси.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Томоша».
18.40 «Солиқлар ҳаммага тегишли». Телевизион киножурнал.
18.50 «Бу турфа олам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эльмира Норбоева рақсга тушади.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Пилла — бойлигимиз».
22.00 «Ўзбекистон — қадрдон юртим. Руслар». 2-фильм.
22.55 «Меҳрибонгинам». Бадиий фильм [Ҳиндистон]. 1-серия.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Асрлар оҳанги». Фильм-концерт.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 «Бу оқшомда».
21.00 «Пульс». Хабарлар.
21.15 «Суперспорт».
22.00 «Пульс». Хабарлар.
22.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 8.20, 14.20, 20.20, 00.20— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.30 «Кўплаб мусиқалар».
9.10 «Рус кошини». Телефильм.
9.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.00 Футбол. Чемпионлар лигаси.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
12.45 «Чайка». Телевизион бадиий фильм.
13.25 «Зайнаб Бишева». Ҳужжатли фильм.

*

14.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 Мультфильм.
15.30 «Олеся ва компания».
16.00 «Қизлар ўртасидаги сир».
16.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.20 Долзарб репортаж.
17.50 Мультфильм.
18.10 «Кўплаб мусиқалар».
18.50 Футбол. Чемпионлар лигаси.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Визбор чўққиси». Телевизион бадиий фильм.
21.45 «Матбуот-экспресс».
21.55 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/2 финал. «Антверпен» [Бельгия] — «Спартак» [Москва]. Бельгиядан кўрсатилади.
23.45 Янгиликлар.
00.25 «L—клуб».
01.10 Футбол. «Уэмбли сари йўл».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Нота бене». «Ленинизм сабоқлари».
8.50 Тонгги концерт.
9.05 «Кузирхоним».
9.35 «Зоопарк» гуруҳидаги Майк».
10.35 «Параллеллар».
10.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 157-серия.
11.40 «Бегона қирғоқлар».
12.10 Мульти-пульти.
12.20 «Репортёр».
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Кундузги сеанс. «Ўттиз уч». Бадиий фильм.
14.15 Мультфильм.
14.20 «Эски хўжайин». Ҳужжатли фильм.
15.00 «Терминал».
15.30 «Улар узоқ кутишмоқда».
16.15 Акс-садо. «Кулаётган одам».
16.45 «М-трест».

*

17.00—19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 Турк тили дарси.
17.30 Хабарлар.
17.40 «Сезам» кўчаси.
18.10 Мусиқий дақиқалар.
18.30 Хабарлар.
18.40 Дин ва маданият.

*

19.15 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 158-серия.
20.05 «Сиёсат майдонида».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Арт-обстрел». Эдита Пьеха.
22.55 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

Жума, 23. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Рақс соҳибаси». Фильм-концерт.
8.05 «Ўрдак кўли воқеаси». Бадиий фильм.
9.10 «Ёшлик ва Наврўз».
9.55 Дўстлик тароналари.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Биотехнология ва ген инженерияси.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Ҳайвонот олами ва уни қўриқлаш.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хаёл» қўғирчоқ театр студияси — меҳмонимиз.
18.45 «Ижод саҳифалари». Ҳ. Муҳаммад.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 «Одобнома».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Танбур ноласи». Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов.
22.45 «Меҳрибонгинам». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
18.30 Хабарлар [рус тилида].
18.40 «Автоунаа туйшугу».
19.10 «Сайра комуз». Э. Акайбаев, А. Сейдалиев.
20.00 «Эненин коону балада...».
20.30 Хабарлар [қирғиз ва рус тилларида].
20.50 «Назар» [билдирувлар, эълонлар].
20.55 Эртен — ишембилик. «Манастан аянба, калайык».
21.35 «Кыргызтелефильм» — 25 ёшда». «Баҳорги камалак». Бадиий телефильм [рус тилида].

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Олеся ва компания».
8.50 Болалар учун фильм. «Дўстим Сўқротжон».
10.00 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/2 финал. «Антверпен» [Бельгия] — «Спартак» [Москва]. Бельгиядан кўрсатилади.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Саёҳатчилар клуби» [сурдо таржимаси билан].
Театр шинавандалари, Сизлар учун!
12.10 А. Арбузов. «Эскирган комедия». В. Маяковский номли Москва академик театрининг фильм-спектакли.
13.45 Мультфильм.

*

14.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Ён дафтар».
15.10 Болалар учун фильм. «Дўстим Сўқротжон».
16.20 «Провинция».
16.50 «Иш».
17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Ҳамдўстлик манфаатлари посбонлигида» кўрсатувини таништиради.
17.40 «Инсон ва қонун».
18.10 «Вагон-03».
18.40 «Жамоатчилик фикри».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
«ВИД» таништиради:
20.20 «Мўъжизалар майдони».
21.15 «Ток-шоу».
22.45 «Авто-шоу».
23.35 «Сиёсий бюро». Танаффус пайтида [23.00] — Янгиликлар.

*

00.05 Василий қиялигида концерт-митинг. Кўрсатув тугагач — «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишдан бўш пайтингизда.
7.55 «Рек-тайм».
8.25 «Сиёсат майдонида».
9.20 «Сиз яратган боғ».
9.50 «Ҳайвонот оламида».
10.50 «Ишдан бўш пайтингизда».
11.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 158-серия.
11.55 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 «Ижица».
13.35 Мультфильм.
14.50 «Телебиржа».
15.20 Янгиликлар.
15.35 «Рост» студияси. «Степа амакини табриклаймиз».
16.05 «Трансросэфир».
16.35 Парламент хабарномаси.
16.50 Спорт кўрсатуви.

*

17.00—18.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 Турк тили дарси.
17.30 Хабарлар.
17.40 «Сезам» кўчаси.
18.10 Мусиқий дақиқалар.
18.30 Кинолавҳа.

*

18.35 Жума куни Дисней. «Ер сайёрасига юборилган». Бадиий фильм. 7-серия.
19.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
20.00 «К-2» таништиради: «Абзац».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Аждаҳони ўлдириш». Бадиий фильм.
23.25 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.

Шанба, 24. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ҳамма гап акамда». Бадиий фильм.
9.15 «Ўзбекистон спорти».
9.45 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
10.25 «Саноатимиз одимлари».
10.55 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.20 «Алифбо сабоқлари».
11.50 «Ёшлик ёғдуси».
12.30 «Бинокор».
13.00 Футбол майдонларида.
13.30 «Устоз ва мураббий». Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи О. Шарофиддинов таваллудининг 95 йиллигига.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сеҳрли тун». Болалар учун фильм.
19.00 «Санъат ғунчалари».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 «Ихтиро ва кашфиёт».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов куйлайди.
21.00 «Туркистон» ахбороти.
21.30 Жумҳурият газеталарининг шарҳи.
21.40 «Муштум» билан учрашув.
22.40 «Кино, кино, кино...».
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.00 АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.45, 7.30, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.50 Эрталабки гимнастика.
6.00 «Матбуот-экспресс».
6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгиликлар.
7.35 «Спорт-имконият».
8.05 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
8.30 «Шанба кунги дастхат». М. Задорнов.
9.00 «Тиббиёт ҳамма учун».
9.40 «Қизил космос». Телефильм премьераси. 10-фильм.
10.10 «Рус олами».
10.50 Мусиқий кўрсатув.
13.25 Мультфильмлар.
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Ўзгариш». «Илҳом манбалари» кўрсатуви ҳузурида меҳмонда.
14.55 «Марказий экспресс». Европа тележурнали.
15.25 «Ультра-си» спорт кўрсатуви.
16.05 «Ҳайвонот оламида».
16.45 «Оба-на-Угол-шоу».
17.15 «Қизил квадрат».
17.55 А. Кторов ижодиёти.
18.45 «Коламбия пикчерс» «Секс— қопқон» бадиий фильми премьерасини таништиради. «Майк Хаммер» телесериалидан.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Анна Каренина». Уч серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.15 «Сиёсат» студияси таништиради. Аналитик репортаж.
21.40 «Ҳам ташвишли ва кулгили нарсалар ҳақида». А. Арканов.
22.30 «Матбуот-экспресс».
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Телетўлқин: ишонч, умид, муҳаббат».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш».
7.45 «730-формула».
8.15 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қуралаш».
8.45 «Ҳали англанмаган коинот».
9.15 «Бурда моден» тавсия этади...
9.45 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
10.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
10.45 «Омад кулиб боққанда».

*

11.45—15.15
«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
1. «Рангинкамон» (тожик тилида).
2. «Илҳом» мусиқий студияси билан учрашув.
3. «Авлодлар».
4. «Таниш номлар». Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси В. И. Глушенкова ҳақида телеочерк.
5. «Баҳорги калейдоскоп».

*

15.15—17.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.15 Видеофильм.
16.00 Мусиқа.
17.00 «Овросиё».

*

17.20 «Мутлақо махфий».
18.15 Спорт кўрсатуви.
18.20 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Россия — Швеция. Танаффус пайтида — «Ҳар бир кун байрам».
19.45 «Қаҳрамон учун кўзгу». Бадиий фильм. 1-серия.

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 «Қаҳрамон учун кўзгу». Бадиий фильм. 2-серия.
22.35 «Келинг, аниқлаб олайлик».
22.50 «Чегарасиз футбол».

Якшанба, 25. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ўлмас мерос». Телефильм.
7.20 Севги тароналари.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм [Ҳиндистон]. 13-серия.
9.15 Инглиз тили.
9.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
10.30 «Меҳр».
11.00 «Адабиёт ва маънавият».
11.45 «Излаган имкон топади».
12.15 «Ватанпарвар».
13.00 «Тилсиз ёв асорати». Чернобиль талофатини бартараф этишда зарарланган республикамиз фуқароларининг ижтимоий ҳимоя қилиниши хусусида.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Беодоб», «Олис Жанубда». Мультфильмлар.
18.25 Ўсмирлар учун. «Ўйла, Изла! Топ!».
19.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 «Билиб қўйган яхши».
20.10 Жаҳон спорти янгиликлари.
20.20 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Бутунжаҳон биродарлашган шаҳарлар куни.
22.10 «Ойнаи жаҳонда».
22.20 Мерос. «Нодираи даврон».
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
8.05—11.05 «Баластан» студияси кўрсатади: «Хуш хабарлар»; «Жилдиздуу балан»; «Бабалардан қолган соз»; «Баластан» студиясининг мейманканасидан»; «Бобоқ, сенин жомогун; мультфильм.

* * *

18.40 «Спорт жилолари» [рус тилида].
19.10 «Шакаба сарайи».
20.30 Хабарлар [қирғиз ва рус тилларида].
20.50 «Кино оқшоми». Программада: мультотека, «Новинки» киноклуби», кинокалендерь, «Фильмни муаллиф таништиради», «Кадр ортидаги учрашувлар», «Мусиқий сеанс».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 7.30, 21.45 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 «Руҳни чиниқтириш».
6.55 Янгиликлар.
7.35 Эрталабки гимнастика.
7.45 «Спортлото» тиражи.
8.00 «Марказ».
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳамма уйдалигида».
9.30 «Тонг юлдузи».
10.20 «Ҳунарли хор бўлмайди.
10.25 «Ҳарбий ревю».
11.05 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси.
11.30 «Китобхона».
12.10 «Марафон-15».
«КТВ-1» ва «Франс интернасиональ» канали таништиради:
13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

14.00 Янгиликлар.
14.15 Мультфильм.
14.35 «Сайланганлар ва халқ». С. Шушкевич.
15.15 «Саёҳатчилар клуби».
16.05 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.05 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
18.00 «Славяне» халқ рақс театри ижро этади.
18.15 «Олам дам олишда».
19.00 Киношарҳ.
19.20 Телеэкранда биринчи марта. «Авлиёлар сафарга чиққанда». Бадиий фильм [«Ленфильм» кино уюшмаси].
20.55 Эълонлар.

*

21.00 «Якунлар».
21.50 Катталар учун мультфильм.
22.10 «Музобоз».
22.50 «Учовлон, етовлон, туз». Телеўйин.
23.00 Янгиликлар.
23.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Россия — Канада терма командалари. Германиядан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.20 «Лена ва Рита». Ҳужжатли фильм.
7.50 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
8.20 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
8.45 «Лад-галерея». Ҳайкалтарош И. Рукавешников.
9.15 «03» кўрсатуви.
9.45 «Ати-бати...»
10.15 Фольклор. «Рязанда тўйлар».
10.45 Кипрас Мажейка. «Кичик Европа»дан репортажлар.
11.15 Кино музейи. «Мэри Пикфорднинг бўсаси». Бадиий фильм.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

*

12.55—17.25
«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
1. «ЭКОСАН»— саломатлик ва экология жамғармаси хабарномаси.
2. Профессионал боксчилар минтақа чемпионати.
3. «Чисен» (корейс тилида).
4. «Безнен мирас» (татар тилида).
5. «Замандас» (қозоқ тилида).

*

17.25 «Ҳар бир кун байрам».
17.35 Си.Би-Эс кинотеатри. «Умбалоқ ошиб». Бадиий фильм (АҚШ).

*

19.15—21.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.15 Ҳужжатли фильм.
20.00 «7 ёшдан 77 ёшгача».
20.45 Туркиядан мактублар.
21.00 Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 Спорт кўрсатуви.
21.35 Катталар учун мультфильм.
21.50 Тунги сеанс. «Ўз ихтиёрига кўра севиб қолган». Бадиий фильм.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
Жиноятчиликка қарши кураш —33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Қаршида — 3-25-79;
Нукусда — 2-42-62;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01.
Навбатчи муҳаррир: А. БОЛИЕВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби №000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 19.30.
Г—168. № 68.